

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

**“ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА КРИМИНОЛОГИЯ”
КАФЕДРАСИ**

Жиноий жавобгарлик ва уни амалга оширишнинг назарий муаммолари

мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: 4-курс “Жиноий-
ҳуқуқий фаолият” йўналиши
талабаси ***Бакиев У.Б.***

Илмий раҳбар: “Жиноят ҳуқуқи
ва криминалогия” кафедраси
ўқитувчиси ***Каримжонов М.М.***

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1 БОБ. ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.....	7
1.1. Жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	7
1.2. Жиноят кодексида жиноий жавобгарликка тортиш асоси ва унинг назарий жиҳатлари	27
1.3. Жиноий жавобгарлик асоси белгиларининг таҳлили.....	40
2 БОБ. ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ	55
2.1. Жиноий жавобгарликка тортишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти	55
2.2. Жиноий жавобгарликнинг хусусиятига таъсир этувчи омиллар.....	71
ХУЛОСА.....	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	90

КИРИШ

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бўлган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш шароитида ислохотлар, аввало, қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган¹. Бу эса, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи орган ходимларидан ушбу концептуал талабларни, шу қаторда содир этилган қилмишларга қонун асосида тўғри ҳуқуқий баҳо бериш орқали одил судловни таъминлаш лозимлигини талаб этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, мазкур конституциявий қоида жиноят ҳуқуқининг бир қатор принципларида, шу жумладан, айб учун жавобгарлик принципида ўз ифодасини топган. Ушбу принципга кўра, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Мамлакатимиз ривожининг ҳозирги босқичида асосий мақсад ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, уни ўзгариб бораётган ижтимоий муносабатларга мувофиқлигини таъминлашдан иборат. Ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш механизмининг ва ҳуқуқнинг айрим тармоқларининг ўзаро таъсирини комплекс равишда ўрганиш зарур. Жиноят ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлган жавобгарлик асослари муаммоси ҳам бундан мустасно эмас. Жиноий жавобгарлик институтининг моҳияти, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бу эса қонунчиликни либераллаштириш шароитида жиноий жавобгарлик институтини тадқиқ этиш лозимлигини аниқлатади.

Юридик жавобгарлик, жумладан, жиноий жавобгарлик, деганда асосан, шахс хатти-ҳаракатларининг қонун нормалари талабларига мос келмаганлиги

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 26.

туфайли вужудга келадиган оқибатлар тушунилади. Аниқроғи жиноий жавобгарлик давлатнинг мажбурият институтининг сифатида қонуннинг жазоловчи функциясини амалга оширади. Шубҳасиз, жиноят қонуни нормалари талабларининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган шахс учун салбий ҳуқуқий оқибатлар, жавобгарликнинг ўзгармайдиган, доимий хусусиятидир. Аммо ҳозирги вақтда ҳуқуқнинг кишилар онги ва ҳуқ-атвориға таъсири жазога нисбатан анча кенг, бой ва ранг-барангдир. Таққиловчи ҳуқуқ нормаларининг ўзиёқ фуқароларнинг онги ва ҳуқ-атвориға, хатти-ҳаракати мотивациясига сезиларли таъсир кўрсатади.

Фуқаролар онги ва ҳуқ-атвориға жиноят қонунининг мотивацион таъсири самарадорлигини ошириш масаласига энг муҳим ва долзарб муаммо сифатида қарашга эҳтиёж мавжуд. Жиноят ҳуқуқи фани ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида фақат қонун талабларидан бўйин товлаш механизмининг билиш билан чекланиб қолмаслик лозим. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари либераллаштирилаётган бир шароитда жиноят қонунининг позитив вазифани ҳам бажариши туфайли қонуний ҳуқ-атвор манбалари ҳам ўрганилиши шарт. Бу қонун-қоидалар, уларнинг адолатлилигини англаш, фуқароларнинг қонунга итоат қилишга одатланиб бориши, уларга риоя этишида ифодаланади. Жиноят қонуни нормаларида жавобгарликнинг позитив хусусиятлари ифодаланиши ва улар аввало инсонларнинг ижобий ҳуқ-атворини рағбатлантиришга қаратилиши лозим. Чунки жиноят қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан жиноий жавобгарлик тушунчасининг аниқ англаш ва айнаи вақтда жиноий жавобгарликка тортишнинг моддий-ҳуқуқий аҳамиятини белгилашнинг қонуний тартибга солинишига доир масалаларнинг ўрганилиши янада долзарб бўлади. Жиноят-ҳуқуқий муносабатларни тадрижий равишда инсонпарварлаштириш жиноий жавобгарлик институтининг жазоловчи хусусиятини юмшатиш билангина чекланиб қолиш мумкин эмас. У, шубҳасиз, қонунни қўллаш жараёнига ҳам дахлдордир. Қонунни амалда қўллаш жараёни эса фақат моддий ҳуқуқнинг ҳаётий шакли эмас, балки умуман, ҳуқуқий тартиботнинг муҳим юридик

кафолатларидан бири ҳамдир. Бу ўз навбатида, процессуал шаклларнинг жиноий жавобгарлик хусусиятига боғлиқлиги ва уни такомиллаштиришга алоҳида қизиқишнинг мавжудлиги, шунингдек, ушбу муаммонинг ечимини топиш ҳуқуқий ва процессуал жиҳатдан аҳамиятга эга эканлигини ҳам билдиради.

Амалий аҳамияти. Ишнинг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, унда муаллиф илгари сурган таклифлар ва берган тавсиялардан фойдаланиш тергов-суд амалиётида жиноят қонунидаги жиноий жавобгарлик тўғрисидаги нормани қўллаш жараёнида хатоларга йўл қўймаслик имкониятини беради. Ишнинг хулоса ва таклифларидан дастлабки тергов органлари ва судлар учун услубий тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Илмий янгилиги. Ушбу иш жиноий жавобгарлик масалаларини ЎЗР ЖК қўлланиш амалиётини, шунингдек жиноят ҳуқуқи назариясининг мазкур муаммога доир қоидаларини эътиборга олган ҳолда илмий ўрганишга бағишланган яхлит тадқиқотни ўзида ифодалайди. Мазкур мавзу республикамизда эълон қилинган илмий адабиётларда лозим даражада ишлаб чиқилмаган ва бу ҳол тадқиқотнинг долзарблигига яна бир маротаба урғу беради.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикасининг жиноий жавобгарликка тортиш, унинг ўзига хос хусусиятлари шунингдек хорижий давлатларнинг жиноий жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлари ва бу соҳада вужудга келаётган муаммолар

Тадқиқот предмети. Қуйидагилар тадқиқотнинг предмети сифатида амал қилади: Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг жиноий жавобгарликни назарда тутувчи жиноят-ҳуқуқий нормалари; чет эл мамлакатлари жиноят қонунчилигининг жавобгарликни тартибга солувчи нормалари; ўрганилаётган масалага доир илмий ишланмалар.

Ишнинг мақсади. Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун нормаларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ишнинг вазифалари. 1) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарлик жавобгарлик муаммоларини таҳлил қилиш; 2) жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; 3) Жиноят кодексида жиноий жавобгарликка тортиш асоси ва унинг назарий жиҳатларини таҳлил этиш; 4) жиноий жавобгарлик асоси белгиларининг таҳлилини амалга ошириш; 5) жиноий жавобгарликка тортишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти аниқлаш; 6) жиноий жавобгарликнинг хусусиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

1 БОБ. ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус тури бўлиб, Жиноят кодексида тақиқланган қилмиш содир этилган тақдирдагина қўлланадиган жавобгарликнинг энг оғир туридир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 16-моддаси биринчи қисмида жиноят учун жавобгарликнинг таърифи берилган бўлиб, жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноий жавобгарлик шахснинг Жиноят кодекси билан тақиқланган қилмишнинг содир қилганлиги учун шахс ва давлат ўртасида вужудга келадиган жиноят-ҳуқуқий муносабатдир.

Аслида жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқи назариясида ўрганиладиган марказий масалалардан бўлиб, Жиноят кодекси Махсус қисми моддалари унинг асосини ташкил этади. Сўнгги йилларда мазкур масала жиноят қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Аксарият муаллифлар жиноят содир этиш вақтида вужудга келадиган жиноий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир тури сифатида содир этилган жинояти учун шахснинг жавоб бериш мажбурияти,¹ сифатида таърифлайдилар.

Жиноий жавобгарлик тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясидаги бир қатор мунозара ва баҳсга сабаб бўлаётган мавзулардан ҳисобланади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, жиноий жавобгарлик юридик табиатини

¹ Санталов А.И. Теоретические вопросы уголовной ответственности. – Л.: Изд-во Ленинградского университета, 1982. – С.12-13.

ўрганишга бўлган қизиқиш фанда XX асрнинг 60-йилларига келиб шаклланди¹.

Жиноят ҳуқуқидаги асосий институтлар мазмуни қуйидаги учлик тизимида намоён бўлади: жиноят – жиноий жавобгарлик – жазо. Бу тушунчалар жиноят ҳуқуқи назарияси учун асосий, жиноят ҳуқуқи мазмунини ёритиб берувчи институтлардан саналади². Ҳақиқатдан ҳам, жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқида ўрганиладиган марказий масалалардан саналади. Бинобарин, мазкур атама ЎзР Жиноят кодексида тез-тез учраб туради, бироқ қонунда жиноий жавобгарликнинг мақсади ва мазмуни айрим хорижий мамлакатлар (ГФР, Франция) жиноят қонунларидаги каби очиқ берилган эмас. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 16-моддаси “Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари, деб номланиб, унда жиноят учун жавобгарликка “жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир”, деб таъриф берилган. Жиноий жавобгарликка шунга ўхшаш таъриф Белоруссия Жиноят кодексида ҳам берилган. Жиноий жавобгарликнинг асоси Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишнинг содир этилиши ҳисобланади (ЖК 16-м., 2-қ.).

Юридик адабиётларда жиноий жавобгарликнинг моҳиятига турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, А.С.Якубовнинг фикрича, “жиноий жавобгарлик – суд томонидан салбий оқибатга эга бўлган ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсга нисбатан жазо тайинлаш ёки жазо тайинламаган ҳолда ҳукм қилиш ёки жазо ҳисобланмайдиган бошқа жиноят-

¹ Курс российского уголовного права. Общая часть / Под ред. В.Н. Кудрявцева и А.В. Наумова. - М., 2001. - С. 473.

² Базарбаева Г. Дифференциация ответственности в уголовном праве. // Ж. Ҳуқуқ-Право-Law. 2005 (3) 31. – С.33.

хукукий таъсир чораларини қўллашдан иборат бўлган, суднинг айблов ҳукмида асослантирилган мажбурлов чорасидир”¹.

Муаллифнинг фикрича, “жиноий жавобгарлик: а) ўзининг юридик мазмунига кўра, жиноят содир этишнинг хукукий оқибатидир; б) у ижтимоий хавфли ва айбли қилмиш оқибатида юзага келади; в) ҳукм қилиш шаклидаги давлат мажбурловида ифодаланиб, жиноий жазони қўллаш ёки қўлламаслик ёхуд жиноят ҳукукига оид жиноий жазо ҳисобланмайдиган бошқа таъсир чораларида ўз аксини топади; г) жиноят ҳукукига оид муносабатлар вужудга келади, амалга оширилади ва якунланади; д) фақат суд томонидан тайинланади”².

Н.И.Загородников: “жиноий жавобгарлик жиноят-ҳукукий муносабатларни тартибга солувчи ЖК нормалари ҳамда жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширилиши жараёнини ифодалайди. Ўз навбатида ҳукукий нормаларни амалга оширишнинг якуний босқичи сифатида жиноят қонуни нормаларига мувофиқ вужудга келган жиноят-ҳукукий муносабатлар ўзида жиноий жавобгарликни акс эттиради”³. Албатта, “жиноий жавобгарлик” тушунчасига берилган ушбу таърифни энг мақбул ва аниқ, деб бўлмайди, бироқ бу таъриф В.М.Хомичнинг жиноий жавобгарлик жиноий қилмиш содир этган шахснинг суд томонидан жазога ҳукм қилиниб, унга жиноят қонунида назарда тутилган таъсир чорасини қўллаш сифатида тушуниш лозим⁴, деган фикрига нисбатан тўғрироқдир.

Юридик адабиётларда жиноий жавобгарлик тушунчасига оид турли нуқтаи-назарлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

¹ Якубов А.С. Современное понятие уголовной ответственности и ее оснований // Хуқуқ-Право-Law. – 2001, №4. – С.71.

² Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. / А.С. Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б.186.

³ Загородников Н.И. О содержании уголовно-правовых отношений // Сов. государство и право. 1963. №11.- С.68.

⁴ Хомич В.М. Понятие уголовной ответственности и совершенствование законодательства / В сб.: Актуальные вопросы реформирования уголовного законодательства. – Тарту, 1989. – С.49.

а) жиноят содир этган шахсга маънавий ёки моддий жафо келтирувчи жазога ҳукм қилиш¹;

б) жиноят содир этган шахсга нисбатан айблов ҳукмни чиқариш, жазо тайинлаш ва судланганликда ифодаланадиган қонунда белгиланган ноқулай оқибатларнинг келиб чиқиши²;

в) жиноят содир этилиши натижасида айбдор ва давлат ўртасида жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши³;

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, юридик жавобгарлик – бу содир ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг давлат ҳокимияти томонидан қўлланиладиган муайян чеклашларни бошидан кечириш мажбуриятидир.⁴

Деярли барча тадқиқотчилар умумий ҳуқуқ назариясидан келиб чиқиб, жиноий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бир қўриниши сифатида бири-бири билан боғлиқ бўлган уч элементни: ҳуқуқбузар (жиноятчи)ни жамоавий ва юридик муҳокама қилиш ва унинг асосида давлат мажбурлов чорасининг тайинланиши ҳамда унга нисбатан қандайдир салбий оқибатларнинг белгиланишини қамраб олади⁵.

М.П.Карпушин ва В.И.Курляндский “Жиноий жавобгарлик – айбдор шахснинг содир этган жинояти учун белгиланган тартибда жавоб бериш мажбурияти бўлиб, уни белгиланган тартибда муайян ҳуқуқий чеклашларга (эҳтиёт чораси ва ҳ.к.) ва муносиб жазога маҳкум этади”⁶, деб ҳисоблайдилар. Ушбу таърифда жиноий жавобгарлик фақат давлатда айбдорни жазолаш ҳуқуқи мавжуд бўлган бир томонлама жиноят-ҳуқуқий муносабат сифатида намоён бўлади.

¹ Брайнин Я.М. Уголовная ответственность и ее основание в советском уголовном праве. - М., 1963. - С. 25-28; Карпушин М.П., Курляндский В.И. Уголовная ответственность и состав преступления. - М., 1974. - С. 21.

² Осинов П.П. Теоретические основы построения и применения уголовно-правовых санкций. - Л., 1976. - С. 53; Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.115.

³ Санталов А.И. Теоретические вопросы уголовной ответственности. - Л., 1982. - С. 50 ва б.қ.

⁴ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Адолат, 2007. –Б. 899.

⁵ Иоффе О.С., Шаргородский М.Д. Вопросы теории права. - М., 1961. - С. 314-318; Лазарев В.В. Общая теория государства и права. - М., 1997. - С. 41.

⁶ Карпушин М.П., Курляндский В.И. Уголовная ответственность и состав преступления. М., 1974. – С.21; Курляндский В.И. Уголовная ответственность и меры общественного воздействия. М., 1965. – С.20.

Албатта, жиноий жавобгарлик жиноят содир этилганидан сўнг вужудга келади, аммо у амалга оширилмаслиги ҳам мумкин. Жиноий жавобгарликни амалга оширилиши бир неча босқичлардан иборат бўлади: а) айблаш босқичи; б) суд томонидан жазо тайинлаш босқичи; в) жазони ижро этиш босқичи¹. Жиноий жавобгарликни амалга ошмаслиги эҳтимолининг мавжудлиги бу борада турли эътироз ва қарама-қарши фикрларнинг туғилишига сабаб бўлмоқда. Л.С.Явич: “Ҳуқуқ фактик муносабатларда амалга оширилмас экан, унинг мазмуни бузилади, зотан, қоғозда қоладиган буйруқ давлатнинг иродаси бўла олмайди”², деб таъкидлайди.

С.Н. Братусь эса, “жиноий жавобгарликнинг бошланиши – суд ҳукмига кўра жазони ўташнинг бошланишидир”³, деган хулосага келган. Фикримизча, ушбу мулоҳаза мунозарали ҳисобланади, зотан, айбдорнинг содир қилган жинояти учун жавоб бериш мажбурияти, у жиноят содир эта бошлаган вақтдаёқ юзага келади. Демакки, жиноий жавобгарлик ҳам жиноят содир этиш бошланиши билан, баъзан эса, унданда олдинроқ (жиноятни содир этишдан воз кечиш) вужудга келади.

Бундан ташқари жиноят ҳуқуқи назариясида жиноий жавобгарликнинг икки хусусияти:

а) позитив (ижобий) – жиноят-ҳуқуқий таъқиқларга риоя этган шахсларни рағбатлантириш, имтиёз бериш.

б) ретроспектив (салбий) – жиноят қонунида белгиланган таъқиқларни бузган шахсга нисбатан давлатнинг репрессив сиёсат олиб бориши, айбдорни жазолаши ўрганилади⁴.

Позитив жиноий жавобгарлик О.Э Лейст томонидан алоҳида тадқиқ этилган ҳамда Т.Н.Радько томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланиши кўрсатиб берилган.

¹ Лейкина Н.С. Личность преступника и уголовная ответственность. – М., 1979. – С.35-36.

² Явич Л.С. Общая теория права. Л., 1976. – С.201-202.

³ Братусь С.Н. Юридическая ответственность и законность. – М., 1976. – С.113.

⁴ Тарбагаев А.Н. Понятие и цели ответственности. - Красноярск, 1986. – С. 21-36, 84-97.

Позитив жинойй жавобгарлик рағбатлантирувчи хусусият билан ретроспектив жавобгарликдан фарқ қилади. Жинойт ҳуқуқида рағбатлантиришнинг аҳамияти:

1) шахсни жинойй жавобгарликдан озод қилиш, жазони енгиллаштириш ёки жинойй қилмишнинг шахс учун ноқулай бўлган бошқа жинойт-ҳуқуқий оқибатларини бартараф этиш;

2) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва суд томонидан жинойт қонуни нормаларига мувофиқ субъектнинг жинойт содир этилганидан кейинги қонуний фаолиятини давлат номидан ижобий баҳолаш ва рағбатлантиришда ифодаланади¹.

Жинойй жавобгарликдан озод қилиш институти ўз моҳиятига кўра, жинойй жавобгарликнинг позитив хусусияти ҳисобланади. Позитив юридик жавобгарликнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва айниқса, судлар фаолиятидаги аҳамияти ошиб бормоқда². Республикамизда жинойт қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан бугунги кунда жинойй жавобгарликнинг нафақат салбий балки ижобий (позитив) жиҳатига эътибор кучайиб бормоқда. Жумладан, кейинги параграфларда ўрганилган ярашилганлик муносабати билан жинойй жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган жинойй қилмишлар сонининг кўпайиб бораётганлиги ҳам сўзимизни тасдиқлайди.

Айрим тадқиқотчилар давлат томонидан жинойй жавобгарликнинг кўлланилиши учун қуйидаги хусусиятлар мавжуд бўлиши лозим, деган тадқиқотчилар фикрлари янада асослироқдир:

- а) жинойт-ҳуқуқий нормада кўзда тутилганлик;
- б) давлатнинг мажбурлов чораси;
- в) суднинг айблов ҳукми билан амалга оширилиши;

г) шахсга нисбатан жинойй жавобгарликни белгилашнинг алоҳида тартиби ўрнатилганлиги;

¹ Чернова М. Деятельное раскаяние в системе поощрительных норм уголовного права. // Ж. Закон и право. №8, 2006. – С.23.

² “Круглый стол: Свобода и ответственность” // Ж. Государство и право, №3, 2007. – С.120.

д) мутлақо шахсий хусусиятга эга бўлиши лозим, дейдилар¹.

Биз ҳам уларнинг фикрларига қўшиламиз. Чунки юқорида санаб ўтилган тўртта хусусиятдан бирортасининг мавжуд эмаслиги уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлади, жиноят ҳуқуқи назариясида жиноий жавобгарлик жазога ўхшаш деган нуқтаи назар узоқ вақтдан бери мавжуд бўлиб², бунга 1994 йилгача, яъни Ўзбекистон Республикасининг ЖК қабул қилингунга қадар амал қилинган, жиноий жавобгарлик жазодан алоҳида институт сифатида ўрганилмаган эди. Жиноий жавобгарлик муаммосини турлича талқин этган айрим олимлар ҳам уни жазо, унинг тайинланиши ва ижро этилиши жараёнидан деярли фарқламаганлар³. Уларнинг фикрича жиноий жавобгарликка тортилган шахс жиноий жазога ҳукм қилиниши керак бўлган. Аммо Жиноят кодексининг қатор (64-68) моддаларида айбдорнинг жавобгарликдан озод қилиниши асослари белгилаб қўйилган. Демак, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бирор-бир ҳуқуқий оқибати бўлмайди. Жиноий жазодан озод қилиш эса суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейин ёки жазо ижро этилаётган вақтда амалга оширилади ва жазодан озод қилинган шахс судланган ҳисобланади.⁴

Афсуски ҳозирги кунда ҳам юридик адабиётларда жиноий жавобгарлик муаммосига эски қолиплар асосида ёндашилмоқда⁵.

Бизнингча, жиноий жавобгарлик – жиноят содир қилган шахснинг қилмишига яраша давлатнинг жавоб тариқасидаги хатти-ҳаракати бўлиб, у жиноятчини таъқибдан ҳимоя қилиш орқали суднинг ҳукми ёки қонунда назарда тутилган тегишли чораларни қўллашда намоён бўлади”⁶, айбдорни

¹ Курс российского уголовного права. Общая часть / Под ред. В.Н. Кудрявцева и А.В. Наумова. - М., 2001. - С. 479; Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. - М., 1996. - С. 244.

² Нурадели М. Теория наказания в трудах дореволюционных ученых. // Ж. Современное право. №1, 2007. – С.102-108.

³ Прохоров В.С. Преступление и ответственность. – Л., 1984. -68 с.; Санталов А.И. Теоретические вопросы уголовной ответственности. – Л., 1982. -48 с.

⁴ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). –Т.: Янги аср авлоди, 2005. –Б. 562.

⁵ Звечаровский Т.Э. Уголовная ответственность. – Иркутск: 1992; Наумов А.В. Уголовное право (Общая часть). – М.: 2001. – С.251-259.

⁶ Курбонов Д. Жиноятга яраша жазо. // Ж. Қонун ҳимоясида. №01(109), 2005. – Б.31.-32.

жиноий жавобгарликка тортишда жабрланувчининг ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида фаол иштирок этиши ҳам назарда тутилиши керак.

Шу ўринда, В.И. Крусснинг “юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарнинг ўзига хос мажбурияти”¹, деган мулоҳазаси ўринли деб ўйлаймиз, чунки жиноий жавобгарлик ҳам юридик жавобгарликнинг бир шакли сифатида жиноят содир этган шахсга ғайриқонуний хатти-ҳаракати натижасида вужудга келган жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг муайян салбий оқибатларига чидаш мажбуриятини юклайди.

Юқоридаги фикр жиноий жавобгарликни тор маънода талқин этган Н.А. Огурцовнинг жиноий жавобгарликни жиноят-ҳуқуқий категориялар каторидан бутунлай чиқариб ташлаб, уни “тармоқлараро ҳуқуқий ҳодиса институтлардаги ижтимоий муносабатлар йиғиндиси сифатида кўриб чиқилиши керак”², деган фикрини инкор этади.

Айни пайтда И.М.Гальпериннинг жиноий жавобгарлик айбдорга нисбатан қўлланадиган давлат мажбурлови,³ деган мулоҳазаси ҳам мунозаралидир. Чунки муаллифнинг бу фикри жиноятчининг унга нисбатан тайинланган муайян чораларни субъектив-психологик жиҳатларидан қандай қабул қилишига асоссиз эътибор қаратганлигидан далолат беради.

Баъзи муаллифлар жиноий жавобгарликни давлатнинг жиноят қонунини бузган фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлигини чеклаш ҳуқуқи билан боғлайдилар. Масалага бундай ёндашув ҳам унчалик тўғри эмас, чунки судланган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигича қолади ва у содир этган қилмиши учун жазога ҳукм қилиниб, жазони ўтаётган бўлишига қарамай, муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Шу боис бу ўринда айбдорнинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан чекланади, деган фикрга қўшилиб бўлмайди. С.С.Алексеев, В.В.Божьев, Я.С.Браинин, Г.Б.Виттенберг, Н.С.Лейкина, М.Д.Шаргородский, М.А.Шнайдер, А.С.Явич ва бошқалар

¹ Крусс В.И. Конституционное правоупотребление и юридическая ответственность. // Ж. Государство и право. №6, 2007. – С.14.

² Огурцов Н.А. Правоотношения и ответственность в советском уголовном праве. – Рязань: 1975. – С.174-175.

³ Гальперин И.М. Рец. на книгу: Уголовная ответственность и наказание / Под ред. В. Бухольца и др. – Берлин, 1982. // Сов. государство и право, 1985. №5. – С.136.

“жавобгарлик – мажбурият” концепциясини ёқлаб чиққанлар. Аммо жиноят содир қилган шахснинг жамият олдидаги мажбурияти муаллифлар томонидан турлича талқин қилинган. М.П.Карпушин ва В.И.Курляндский жиноий жавобгарликни “айбдор шахсни содир этган жиноятига мос равишда жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал этишнинг белгиланган тартибларидан келиб чиқувчи муайян ҳуқуқий чекловлар (эҳтиёт чораси ва ҳ.к.)га жалб этиш, давлат томонидан жазога ҳукм қилиш ва қилмиши учун жазога тортиш”¹, деб тушунадилар.

Ўз навбатида М.И.Ковалев жиноий жавобгарликни давлатнинг мажбурлов чорасига дучор бўлиш, яъни содир этган жинояти учун жазони ўташ мажбурияти², деб ҳисоблайди.

Юқоридаги фикрларнинг таҳлили жиноий жавобгарликка турлича, ҳатто бир-бирига зид бўлган таърифлар берилганлигини кўрсатади. Бунда “ҳақиқатдан ҳам жиноят содир қилган шахс қонунда назарда тутилган доирада жавобгарликка тортилиши лозим”³ лигига эътибор берилиши лозим.. Ушбу фикрга, Л.В. Багрий-Шахматов, Н.С. Лейкина, В.Д. Филимонов, А.П. Чугаев ва бошқалар⁴ ҳам қўшиладилар.

Шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши билан боғлиқ муносабатларнинг тугатилиш вақти ҳақидаги А.Д.Гарбузанинг фикрлари қизгин мунозарага сабаб бўлган. Унинг таъкидлашича, шахснинг жазони ўташи ёки жазодан озод қилиниши жиноий жавобгарликнинг намоён бўлиш вақти билан узвий боғлиқдир⁵. В.С.Прохоров “жиноий жавобгарлик билан боғлиқ муносабатлар судланганлик олиб ташланган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади”⁶, деган фикрни илгари сурса, А.Б.Ушаков

¹ Карпушин М.П., Курляндский В.И. Уголовная ответственность и состав преступления. – М., 1974. – С.21.

² Ковалев М.И. Советское уголовное право: Курс лекций. Вып. 1. – Свердловск, 1971. – С.121.

³ Козаченко И.Я. Уголовная ответственность: мера и форма выражение. – Свердловск, 1987. – С.33.

⁴ Бирок юридик адабиётларда жиноят-ҳуқуқий муносабатлар юзага келиш вақтидан бошлаб юридик фактнинг эътироф этилишига оид фикрлар ҳам айтилган (Петрова Г.Д. К вопросу о субъектах содержания уголовно-правовых отношений / В кн.: Актуальные проблемы уголовного права в условиях совершенствования социалистического общества. – М, 1986. – С.43).

⁵ Гарбуза А.Д. Философская категория “возможность” и “действительность” в учении об уголовной ответственности / В кн.: Юридическая ответственность в обществе. – Волгоград: 1974. – С.60.

⁶ Прохоров В.С. Преступление и ответственность. – М.: 1984. – С.54.

“жиноий жавобгарлик суднинг қарори чиқарилган ва ҳукм эълон қилинган вақтдан бошлаб тўлиқ амалга оширилади”¹, дейди.

Юридик (жумладан, жиноий) жавобгарлик бугунги кунга қадар умумий ҳуқуқ назариясида ижтимоий жавобгарликнинг бир тури ҳисобланса-да, у фақат ҳуқуқбузарлик (жиноят) содир этишнинг оқибати сифатида таърифланган,² холос. Жиноий жавобгарлик ҳамиша аниқ хусусиятга эга бўлади, яъни муайян шахсга нисбатан қўлланилади ҳамда қилмишнинг муайян жиноятлар гуруҳига тааллуқлилигини белгилайди³.

А.С.Якубов жиноий жавобгарлик тушунчасига бўлган консерватив ёндашувга унчалик қатъий эътироз билдирмаса-да, “жиноий жавобгарликда ретроспектив жиҳатларнинг устунлиги шубҳасиздир, у ижобий хусусиятдан ҳам ҳоли эмас, жавобгарликка тортиш ғайриижтимоий қилмиш содир этишдан тийилиш ёки аксинча, жиноят-ҳуқуқий нормалардаги қоидаларга мувофиқ муайян тарзда ҳаракат қилишдан иборат қонуний ҳуқ-атвор (хатти-ҳаракат)да намоён бўлади”⁴, деган фикрни билдиради.

М.Усмоналиев эса, жиноий жавобгарликка “ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус тури бўлиб, Жиноят кодексида таъқиқланган қилмиш содир этилган тақдирдагина қўлланадиган жавобгарликнинг энг оғир туридир”⁵, деб таъриф беради.

О.Каримова ва З.Ғаффоров эса, “жиноий жавобгарлик дейилганида, жиноят қонунида муайян қилмишнинг жиноят сифатида ифодаланган баҳоланишини ва айбдорнинг уни содир қилганлик учун жамият олдида жавоб беришини тушунмоқ керак”⁶, деб ҳисоблайдилар.

¹ Ушаков А.В. Уголовная ответственность и ее пределы / В кн.: Уголовно-правовые и процессуальные гарантии защиты конституционных прав граждан. – Калинин: 1982. – С.76.

² Раҳмонкулов А.Х. Юридик жавобгарликнинг назарий ва амалий муаммолари. Ю.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2002. – Б.19.

³ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. д.ю.н. В.М. Лебедева. – 4-е изд-е, перераб., доп. – М.: Норма, 2005. – С.9.

⁴ Якубов А.С. Современное понимание уголовной ответственности и ее оснований // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2001, №4. – С.69-70.

⁵ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: Янги аср авлоди. 2005. – Б.115.

⁶ Каримова О., Ғаффоров З. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б.534.

Бу борада, юридик атамалар комусий луғатида “жиноий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг турларидан бири; содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий оқибати бўлиб, айбдорга жазо сифатида давлат мажбурлов чорасининг қўлланилишидан иборат”¹ эканлиги таъкидлаб ўтилган.

М.П.Карпушин ва В.И.Курляндский жиноий жавобгарлик – айбдор шахснинг белгиланган тартибда ўзининг содир этган қилмиши учун жавоб бериши, жавобгарлик масаласининг ҳал этилиши муносабати билан келиб чиқадиган муайян ҳуқуқий чекловлар (эҳтиёт чораси ва ҳ.к.)га чидаш, давлат номидан судланиши ва қилмишига муносиб равишда жазоланиши мажбурияти”², деб ҳисоблайдилар.

Албатта, жиноят ҳуқуқи фани нафақат давлат ва жиноятчи ўртасидаги муносабатларни, балки қонунга риоя қилувчи фуқаролар ва қонунга риоя қилмайдиган шахслар орасидаги умумий-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ алоқаларнинг бир томони бўлган оддий ижтимоий муносабатларни ҳам тартибга солади. Айнан ушбу соҳада жиноий жавобгарликнинг ижобий жиҳатлари намоён бўлади.

Зарурий мудофаа ёки охириги зарурат ҳолатида ҳаракат қилган шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши муайян жиноят-ҳуқуқий муносабатда ижобий жавобгарликнинг жорий этилганлигидан далолат беради.

“Жиноий жавобгарликни фақат жазога ҳукм қилиш билан чеклаш ва шу ибора билан ифодалаш мантиққа тўғри келмайди. Зеро, гумон қилинаётган шахсни салбий оқибатларга мажбуран дучор этиш дастлабки тергов жараёнидаёқ бошланади. Бунинг устига айбдорни суд жараёнигача таъқиб қилиш даврида унга рағбатлантирувчи хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш имконияти берилади. Озодликдан маҳрум этишга нисбатан муқобил жазо чораларини қўллаш доирасини кенгайтириш, илгари мавжуд бўлмаган институтлар (медиация, пробация)нинг қонунга киритилишини

¹ Юридик атамалар комусий луғати. / Маъсул муҳаррир Ҳ.Р.Раҳмонқулов. – Т.: Шарқ, 2003. – Б.149.

² Карпушин М.П., Курляндский В.И. Уголовная ответственность и состав преступления. – М., 1974. – С.21.

рағбатлантириш ва жазоловчи одил судловдан бузилган ҳуқуқни тикловчи одил судловга ўтиш доирасида низоларни жиноят ишини судгача ҳал қилиниши учун шароит яратади”¹, деган фикрига қўшиламиз. Бинобарин, сўнгги йилларда юртимиз жиноят қонунининг либераллаштирилиши борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳам сўзимизнинг яққол далилидир.

Юқорида билдирилган мулоҳазалар таҳлилини умумлаштириш асосида жиноий жавобгарлик масаласига оид ишларда жиноят содир этишга тайёргарлик кўрган ёхуд унга суиқасд қилган шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи ёритиб берилмаган, деган хулосага келинди. Маълумки, нафақат жиноят содир этиш, балки уни содир этишга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш ҳам жиноий жазога лойиқ қилмишлардан ҳисобланади. Бироқ амалдаги жиноят қонунида ҳамда юридик адабиётлардаги таърифларда фақатгина жиноят содир этган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган. Бундай ҳолат қонун нормалари ўртасида зиддият (коллизия)ни келтириб чиқариши туфайли Жиноят кодекси 16-моддасига тегишли ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Жиноят ҳуқуқи нормаларида бир томондан, муайян турдаги хулқ-атвор (хатти-ҳаракат) жиноят деб эътироф этилиши билан бирга, уларни содир этганлик учун жазо ҳам белгилангандир. Иккинчи томондан эса, баъзи ҳолат ҳаракат(зарурий мудофаа, охирги зарурат, жиноятчини ушлаш вақтида унга зарар етказиш ва ҳ.к.)нинг ижтимоий фойдали эканлиги инобатга олиниб, бундай ҳаракатлар рағбатлантирилади. Шундай қилиб, жиноят қонунининг вазифаси фақат фуқароларга юклатилган мажбуриятларда эмас, балки уларга берилган аниқ ҳуқуқларда ҳам ўз ифодасини топади. Демак, жиноят қонунида ўз аксини топган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, йиғиндиси, уларнинг қўлланилиши ва бажарилишини таъминлайдиган чоратадбирлар жиноий жавобгарлик институти ижобий жиҳатининг объектив мазмунини ташкил қилади. Бу тизимга, шунингдек, “ваколатли давлат

¹ Курбонов Д. Жиноятга яраша жазо. // Ж. Қонун ҳимоясида. №01(109), 2005. – Б.31.-32.

органларининг жиноят-хукукий таъқиқлар (хукук-тартиботнинг таъминланишида фуқароларнинг ёрдамидан фойдаланиш мажбурияти ва хукуқи)га риоя қилувчи фуқароларга нисбатан мавжуд хукук ва мажбуриятлари йиғиндисининг ҳам киритилиши тақозо этилади”¹.

Бундай қоидалар жиноят қонуни нормаларида позитив жавобгарлик ҳам назарда тутилган, деган маънони англатди. “Бунинг учун жиноят субъекти бўлган шахс унга нисбатан қонунга мувофиқ тайинланган (белгиланган) жазонинг тўғри ва адолатли эканлигини англаши, унинг хулқ-атвори қонун-қоидаларга жавоб бериши зарур”².

Жазонинг қўрқитиш хусусияти жазога тортиладиган шахснинг муайян хукукларидан маҳрум қилиниши билан боғлиқдир. Бироқ гап фақат хукук ва эркинликлардан маҳрум қилишнинг ўзидагина эмас, балки бундай чекловларнинг айбдор томонидан қандай қабул қилинишидадир. Жазонинг таъсир этиш даражаси кўпинча жазонинг қай даражада қўрқув солиши ва шахс ўз эркинлигининг қадрига етиши ва яшаш шароитида ифодаланади. Аҳолининг турмуш тарзи билан маҳкум жазони ўтайдиган жойнинг шароити ўртасидаги фарқ (чегара) қанча катта бўлса, жазо ҳам шунчалик оғир, унинг таъсир этиш ва қўрқув солиш самараси ҳам шунчалик сезиларли бўлади.

“Жиноий жазонинг қўрқув солишдек таъсири, - деб таъкидлайди В.М.Коган, - жазо тайинлаш эҳтимоли ва муддатига қараб кучаяди ёки сусаяди, бу эса жиноий судловнинг содир этилган жиноятга мос равишда амалга оширилишини тақозо этади”³.

Шу билан бирга, ахлоқий нуқтаи назардан айбдорга асоссиз тарзда оғир жазо чорасининг тайинланиши жиноий судлов органлари фаолиятига тескари таъсир этиш эҳтимолини кучайтиради. Бошқача айтганда, жазонинг етарли даражада оғир бўлмаслиги, жиноий судлов органларининг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги профилактик фаоллигини оширишга ундайди, ўз

¹ Тарбагаев А.Н. Понятие и цели уголовной ответственности. – Краноярск, 1986. – С.88.

² Шакуров Р.Р. Жиноят-хукукий рағбатлантиришнинг функциялари // Хукук-Право-Law. – 1998. №3. – Б.30.

³ Коган В.М. Социальные механизмы уголовно-правового воздействия. – М.: 1983. – С.162.

навбатида, жазонинг ҳаддан ташқари оғирлиги бу фаолликнинг сусайишига сабаб бўлади.

Жиноятчиликнинг олдини олишнинг умумий чоралари самарадорлиги криминализация қилинган қилмишлар доирасининг ўзгаришига ҳам боғлиқдир. Жиноятлар ўртасида аҳолини кўпчилиги томонидан қораланадиган жиноий қилмишлар сони қанча кам бўлса, жиноятчиликнинг олдини олиш, умумий огоҳлантирувчи чораларнинг таъсири ҳам шунча юқори бўлади. Бу нисбат, шунингдек, жиноятчилик динамикаси билан алоқадорликда ҳам ўзгариб туради, яъни жиноятлар миқдори қанча кам бўлса, уларнинг олдини олишга қаратилган махсус чораларга шунча кўпроқ аҳамият берилади.

“Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.

Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади”¹.

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимидаги жавобгарликни либераллаштириш сиёсатининг мақсади айнан жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда жиноят қонунлардаги жиноят-ҳуқуқий ва бошқа таъсир чораларини жадал ривожлантириш йўлидан бормоқда, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқини тикловчи хусусиятлар устувор аҳамият касб этмоқда.

Илгари давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар бир томонлама хусусиятга эга бўлганлиги сабабли улар тузилишидаги эски қолиплардан воз кечиш зарур, деб ўйлаймиз. Эндиликда жиноий жазолар либераллаштирилаётган бир шароитда фуқароларда муқобиллик асосида танлаш ва ўз ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилиш имконияти мавжуд. Бу борада

¹ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – Б.36.

Б.Т.Акрамхўжаевнинг “хатто жиноят судлов ишларини юритиш соҳасида ҳам томонларнинг тенглиги ва шахс манфаати устунлигининг муҳимлиги қайд этилди”¹, деган фикрга қўшилса бўлади. Айнан шахс ҳуқуқ ва эркинлигининг устувор эканлиги 2001 йилда 29 августдаги Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунларига киритилган ўзгартиришларга сингдирилди ва улар инсонпарварлик ғоялари билан суғорилди. Бу соҳадаги ўзгариш ва янгиланишлар асосан давлатимиз бошлиғи И.А.Каримовнинг ғоялари асосида ва бевосита ташаббуси билан амалга оширилди.

Юртбошимиз томонидан таклиф этилган жиноий жазолар тизимини тубдан ислоҳ қилиш ғоясининг муҳим аҳамияти шундаки, бунда оғир жазолар тайинлаш сиёсатини кескин юмшатиш, айтилиши вақтда иқтисодий санкциялар ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа муқобил жазоларни кенг қўллаш орқали жиноятчиликка таъсирчан зарба бериш имконини беради².

Бинобарин, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан “жиноят қонунига киритилган ўзгартиришлар, энг аввало, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини белгилашга тааллуқлидир. Жиноят кодексида назарда тутилган 460 жиноятдан 196 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилди. Бу тергов органлари ва судларнинг юқорида зикр этилган жиноятларни содир этишда айбланган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган мажбурлов чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтиради”³.

Айтилиши вақт жиноят-ҳуқуқий таъқиқ бузилганида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллаш билан қўрқитиш жиноят қонунининг умумий огоҳлантирувчи мақсадига эришиш ўрнига баъзан жиноят, деб тан

¹ Акрамходжаев Б.Т. Теоретические предпосылки возникновения концепции о правосоставительной функции в уголовном процессе // *Ҳуқуқ-Право-Law*. – 2001, №1. – С.24.

² Кодиров Р. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим босқичи // *Фуқаролик жамияти*. – 2006, №1. – Б.24.

³ Шарифходжаев М., Абдумажидов Г., Шодиев Н., Рахимов Ф. Сила – в справедливости // *Труд*. – 2001 28 сентябрь.

олинган хатти-ҳаракатларнинг яширилишига имкон берди. Шу билан бирга, аксинча, айрим ҳолларда ижтимоий хавфлилик даражаси унча катта бўлмаган қилмишлар учун жиноят қонундаги анча оғир санкциялари қўлланилади. Дарҳақиқат, ўта оғир жиноятчиликка қарши курашда самара бермайди. Ҳаддан ташқари жиддий жазоларга ружу қилиш эмас, амалиётда ҳар бир жиноятни очиш ва жавобгарликка эришиш ягона мақсаддир.¹

2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал ва маъмурий жавобгарлик кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ЖКга ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи 66¹-модда киритилди. Қонундаги ушбу янгилик давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг ҳам либераллашиб бораётганлигидан далолат беради. Зеро, ушбу янгилик жабрланувчига ўзига етказилган зарар миқдоридан келиб чиқиб, айбловни қўллаб-қувватлаш ёки ундан воз кечишни танлаш ҳуқуқи берилди. Айни пайтда ярашув институти, жиноят содир этган шахсни ўйлашга мажбур қилиб, жиноят қонунининг рағбатлантирувчи нормаларига асосан, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, айбига иқдор бўлиш одил судлов органларининг жиноятни фош этишига кўмаклашиш, хуллас, у ёки бу даражада ва шаклда ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида фаолият кўрсатишига туртки беради.

Бошқача қилиб айтганда, келгусида жиноят қонунини либераллаштиришнинг давом эттирилиши рағбатлантирувчи нормалар салмоғининг ошиши, жавобгарликнинг ижобий жиҳатлари мазмунига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳозирги даврда позитив жавобгарликни “фуқароларнинг қонуний хатти-ҳаракатлари ва уларнинг жиноят қонуни талаблари ва қоидаларига риоя қилиниши”², деб таърифлаш унчалик ҳам тўғри бўлмайди. Чунки жиноятларга мурасиз бўлиш ғоясининг жиноят ҳуқуқий нормаларда

¹ Абдумажидов Ғ. Оғир жазолар самара бермайди// ТДЮИ Ахборотномаси. 2006. №4. –Б. 57.

² Елеонский В.А. Поощрительные нормы уголовного права и их значение в деятельности органов внутренних дел. – Хабаровск: 1984. – С.15.

ифодаланиши “жиноятчиликка қарши курашда амалиёт ходимлари нафақат жиноятлар профилактикасига, балки содир этилган жиноятга бўлган муносабат стратегияси ва тактикасига, жумладан, айбдорга нисбатан тезкор-кидирув, тергов, суд фаолиятига ва ахлоқ тузатиш жараёнига кўпроқ эътибор беришга мослашаётганлиги жиноий жавобгарлик институтининг мазмунини ўзгартиради”¹.

Юқоридаги жиноий жавобгарликнинг қуйидаги хусусиятларини аниқлаш имконини берди: 1) жиноий жавобгарлик фақат салбий хусусиятга эга дейилиши мумкин эмас. Чунки унда ижобий ва салбий жиҳатлар мавжуд бўлиб, яхлит ҳолда жиноий таъқиб оқибатларида ўз ифодасини топади. 2) жиноий жавобгарликни амалга ошириш чоғида жабрланувчининг жиноят-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида фаол иштирок этганлигининг рағбатлантирилиши назарда тутилиши лозим. 3) “жиноий жавобгарлик” тушунчаси айбдорни жазога ҳукм қилиш билан чекланади, деб ҳисоблаш мантиққа зиддир. Чунки айбдорга нисбатан салбий оқибатлар (ушлаб туриш, ҳибсга олиш ёки бошқа мажбурлов чоралари)нинг қўлланилиши дастлабки тергов жараёниданок бошланади. Шунингдек, айбдор суд жараёнигача таъқиб қилинганида унга рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлган ҳаракатлар: жиноятни фош этишга ёрдам бериш, жиноятнинг зарарли оқибатларини бартараф этиш, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳаракатларни содир этиш имкони берилади ва бу унинг суд томонидан муҳокама қилинишини истисно этади². 4) озодликдан маҳрум қилишга муқобил бўлган жазо чораларини қўллаш доирасининг кенгайтирилиши “илгари мавжуд бўлмаган институтлар (медиация, пробация)нинг киритилишини рағбатлантиради ва жазоловчи одил судловдан ҳуқуқни тикловчи одил судловга ўтиш, моҳиятига кўра, жиноят иши судда кўрилгунига ёки суд жараёни бошлангунга қадар низоларни ҳал қилиш

¹ Алиқперов Х.Д., Курбанова К.Ш. УК РФ и некоторые проблемы освобождения от уголовной ответственности // Государство и право. – 2000, №1. – С.54.

² Якубов А.С., Шакуров Р.Р. Рағбатлантирувчи нормаларнинг маъноси ҳуқуқни қўллашнинг шарти сифатида / Ҳуқуқнинг долзарб муаммолари. – Т.: 1996. – Б.13.

имконини яратади”¹. Демак, жинойй жавобгарликнинг ижобий жиҳатларини кучайтириш бу – яқин келажакда рағбатлантирувчи чоралар тизими оғир (хатто ўта оғир) жинойт содир қилган шахсни ҳам жабрланувчига етказган (маънавий, руҳий ва бошқа турдаги) зиённинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш йўли билан жинойт оқибатларини тугатиш, яъни жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қўмаклашиш орқали айбдор ҳуқ-атворида қонунга итоаткорлик ҳиссини вужудга келтиради.

Жинойт ҳуқуқида жинойй жавобгарликнинг рағбатлантирувчи жиҳатларини алоҳида ўрганиш назарий ва амалиёт нуқтаи назаридан ҳал қилиниши лозим бўлган қуйидаги муаммоларнинг мавжуд эканлигини инкор этиб бўлмайди:

1) жинойт ҳуқуқи фани предметини кенгайтириш ва бойитиш лозимлиги муаммоси; 2) янги ҳуқуқий категориялар, тушунчалар апаратини, хусусан жинойй жавобгарликнинг объектив ва субъектив томонларини методологик нуқтаи назардан асослаш, ўз ҳуқуқи, жавобгарлик ҳиссини англаш, ҳуқуқ ва унинг институтлари, қонун нормалари, қонуний хатти-ҳаракатлар, шахс ва қонун ўртасидаги ўзаро алоқадорлиги; 3) жинойт ҳуқуқининг методи тўғрисида унинг ҳукмронлик муносабатига оид мавжуд тасаввурларни жиддий ўзгартириш зарурлиги²; 4) жинойт қонун нормаларидаги қоидаларни амалга ошириш воситаларини позитив жавобгарлик нуқтаи назаридан етарли даражада тадқиқ этиш зарурлиги, содир этилган жинойт учун жинойт қонунидаги санкцияларни қўллашнинг чеклаб қўйилмаслиги; 5) шахснинг хатти-ҳаракатига фақат санкция эмас, балки жинойт-ҳуқуқий нормалар диспозициясининг ҳам таъсир кўрсатиши механизмининг ўрганиш зарурияти, чунки амалиётни ўрганиш қонун нормаларнинг ўз асосини санкция эмас, балки диспозиция фуқаролардан муносиб ҳуқ-атворли бўлишни талаб қилишининг тўғрилигини тасдиқлайди; 6) жинойт қонунининг

¹ Саҳаддинов С.М. Механизм раскаяния и примирения: две грании медиации // Ҳуқуқ – Право – Law. – 1999, №2. – С.23.

² Наумов А.В. Об обновлении методологии уголовного права // Сов. государство и право, 1986. – С.48; Якубов А.С. Методология науки уголовного права // Ҳуқуқ-Право-Law. 1999. №2. – С.23.

либераллаштирилиши шароитида жиноят ҳуқуқини ривожлантиришнинг асосий йўлларида бири Жиноят кодексида яқин келажакда рағбатлантирувчи нормаларнинг салмоғи ва ижтимоий ролини жиддий ортиши билан боғлиқ муаммо ҳисобланади¹.

Э.Х.Нарбутаевнинг таъкидлашича, “жиноятга оид сиёсат либераллаштирилиши шароитида жиноят ҳуқуқининг ривожланиши учун рағбатлантирувчи нормаларнинг сезиларли даражада кўпайиши, яқин келажакда уларнинг салмоғи Жиноят кодексида кескин ўсишга ишончимиз комил”². Бироқ содир этилган у ёки бу жиноят учун шахсга қонунга мувофиқ рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш мезонлари тўғрисидаги масала ханузгача ўз ечимини топгани йўқ. 7) жазонинг моҳиятини позитив жавобгарлик нуқтаи назаридан очиқ бериш муаммоси. Жиноий жавобгарликнинг биринчи жиҳатини ўрганишда унга содир этилган жиноят учун назарда тутилган жазо функциясини бажарувчи ретроспектив фундаментал ҳуқуқий институт сифатида қаралади. Бу маънода жазо содир этилган қилмишга қонуний баҳо бериш билан бирга ўч олиш хусусиятига ҳам эга бўлади. Унинг фаол ижобий (позитив) жиҳати эса, жиноят туфайли бузилган ҳуқуқларни тиклаш мақсадида жиноий фаолиятнинг давом этишига тўсқинлик қилиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишда ўз ифодасини топади. Бу ўринда жазонинг ретроспектив (салбий) функцияси устун бўлиб, ижобий хусусият касб этмайди ва ушбу фаолият фақат келажакка қаратилган бўлади³.

“Жиноий жавобгарлик” тушунчасининг позитив хусусиятини ҳозирги кун нуқтаи назаридан батафсил англаш тўғри тушуниш жиноят ҳуқуқи назарияси ва қонунни қўллаш амалиётида қатор мураккаб мавжуд бўлган муаммоларининг тўғри ҳал этилиши учун методологик асос бўлиб хизмат

¹ Шакуров Р.Р. Уголовно-правовое регулирование позитивного поведения. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Т.: 2003. – С.16.

² Нарбутаев Э.Х. Уголовная политика: исходные критерии построения // Ҳуқуқ-Право-Law. 2004. №1. – С.73.

³ Гримберг М.С. Уголовное право как феномен несовместимый с бесправием и произволом // Государство и право. – 2003, №9. – С.55.

қилади. Шунинг учун ҳам “жиноий жавобгарлик” тушунчаси ва унинг конундаги таърифида (ЖК 16-моддаси “Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари”) жазоловчи одил судловдаги эски қолипларнинг сақланиб қолганлиги ва репрессив соҳани либераллаштириш сиёсатига жавоб бераолмаётганлиги туфайли ушбу моддага ўзгартишлар киритилиши лозим, яъни ЖК 16-моддаси қуйидаги мазмунда берилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

“Жиноий жавобгарлик жиноят содир қилган, яъни жиноят-ҳуқуқий таъқиқни бузган шахснинг қилмишига яраша давлатнинг жавоб хатти-ҳаракати бўлиб, у жиноий таъқиб этиш орқали, шу жумладан ижобий ҳуқ-атвори жиноят-ҳуқуқий рағбатлантириш ва суднинг ҳукм қилиш ёки конунда назарда тутилган тегишли таъсир чораларини қўллашида намоён бўлади”.

1.2. Жиноят кодексида жиноий жавобгарликка тортиш асоси ва унинг назарий жиҳатлари

Жиноят қонунида жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, фақат Жиноят кодексида тақиқланган қилмишни содир қилганлик учун шахс жиноят қонуни нормалари асосида жавобгарликка тортилади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун қуйидаги асослар бўлиши керак:

а) содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят деб кўрсатилиб, жиноят қонунида тақиқланган бўлиши;

б) жиноят қонунида шундай қилмиш учун жазо ёки бошқача таъсир чорасининг белгиланганлиги;

в) ана шундай ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда шахснинг айбли эканлиги.

Жиноий жавобгарликнинг оқибатлари эса қуйидагиларда ифодаланади:

а) шахснинг содир қилган жинояти учун давлат олдида ва бунга ваколатли органлар олдида жавоб бериш мажбуриятининг пайдо бўлиши;

б) содир этилган жиноий қилмишни суд ҳукмида ифодаланган салбий баҳо беришдан иборат;

в) содир этилган жиноий қилмиш учун жазо ёки бошқача таъсир чорасини қўлланиши;

г) жазога ҳукм қилинганлигининг оқибати сифатида шахснинг судланган, деб ҳисобланиши.

Маълумки, жиноят ҳуқуқи содир этилган жиноятни юридик факт сифатида ўрганади. Жиноят содир этилиши муносабати билан жиноят-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади. Жиноий қилмиш содир этилмаса жиноят-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлмайди, шахснинг жиноят содир қилиши муносабати билан давлат олдида жавобгар бўлиш мажбуриятининг вужудга келишидир. Шахс жиноят қонунида тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиб, ўзида ана шундай муносабатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Жиноий жавобгарлик жавобгар бўлиш мажбурияти туфайли

келиб чиқади. Агар шахс жиноятни содир қилиб, яширинса, унда жавобгар бўлиш мажбурияти пайдо бўлган бўлсада, яширинганлиги туфайли жавобгарликка тортилмай қолиши мумкин.

Муайян шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун содир қилган жиноятини исботловчи ҳужжатлар етарли, асослантирилган, юридик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган бўлиши керак. Шахсни жиноий жавобгарликка тортилган деб ҳисоблаш учун суднинг қонуний қучга кирган айблов ҳукми бўлиши керак. Шахсни жиноий жавобгарликка тортилган деб ҳисоблашнинг ягона юридик асоси қонуний қучга кирган суднинг айблов ҳукмидир. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган бўлиб, Конституциянинг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», – дейилади. Суднинг айблов ҳукми қонуний қучга кирмагунча шахс жиноий жавобгарликка тортилган ҳисобланмайди.

Ана шу юқорида баён қилинганларга қўра, жиноий жавобгарлик жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан, жиноят ҳуқуқий нормасида назарда тутилган, қонуний қучга кирган суднинг айблов ҳукмида мужассамлашган давлатнинг мажбурлов чорасини қўллашдан иборатдир.

Давлатнинг бундай мажбурлов таъсир чораси фақат тайинланган жиноий жазода ифодаланадими ёки жиноий жавобгарлик ва жазода ифодаланадими? Жиноий жавобгарлик ва жазони таҳлил қилишдан улар бир хил тушунча эмаслиги аниқланади.

Жиноят ҳуқуқий назариясида: 1) жиноий жавобгарлик асослари муаммоси: фалсафий ва юридик жиҳатдан ўрганилади¹. Файласуфлар шахс содир этган қилмиши учун қачон жавобгар бўлади ва нима учун жавоб бериши керак? Деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилганлар. Улар (детерминистлар) барча

¹ Российское уголовное право. Общая часть. Учебник. –М.: Спартак, 1997. –С. 173.

ходисаларнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги таълимот тарафдорларининг фикрича, инсон ҳеч қачон эркин бўлаолмайди, чунки унинг хатти-ҳаракатни доимо ташқи вазиятга боғлиқ бўлади. Албатта, ушбу нуқтаи назар тарафдорларининг фикрига қўшилиб бўлмайди, зеро шахс ташқи вазият, муҳит таъсирида жиноят содир этмайди, балки у муайян ҳуққ атворда бўлиш, яъни жиноий мақсадга эриш учун онгли равишда жиноят қонунида белгиланган тақиқни бузади. Жиноий жавобгарликни вужудга келтирган ҳуққ-атворнинг аниқланиши жиноий жавобгарликнинг юридик асосидир.

ЎЗР ЖК 16-моддаси 2-қисмида “Ушбу кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади”, дейилган.

Жиноят таркиби тўғрисидаги таълимотнинг тарафдорлари унинг барча элементларини тан олиш билан бирга, фақат улар мавжуд бўлган тақдирдагина шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бошқа олимларнинг фикрича, ҳар бир жиноят-ҳуқуқий нормада аниқ жиноят таркиби назарда тутилади¹. Н.Я.Гонтарнинг таъкидлашича, “ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликка риоя этилишини таъминлаш мақсадида жиноят қонунида жиноятга таъриф берилган жиноятларнинг шунчаки рўйхати берилмай, унда жиноятлар таркиби белгиланади”². Жиноят кодекси моддаларида тажовуз объектини кўрсатишнинг ҳеч бир зарурати йўқ, Жиноят кодекси Махсус қисмидаги моддаларни бирлаштирувчи асос бўлиб, жиноятларнинг турдош объекти хизмат қилади. Жиноят кодекси Махсус қисмидаги аниқ бобнинг жойлашган ўрни кўпроқ жиноят турдош объектининг муҳимлиги даражасига боғлиқ³ дир.

Е.Каиржонов жиноят объектини тадқиқ этиб, “қадриятлар ташувчиси, яъни субъектга давлатнинг муносабати қонунда расмийлаштирилганида, муайян

¹ Рустамбаев М.Х. Социально-правовая обусловленность и уголовно-правовые средства охраны здоровья и телесной неприкосновенности граждан. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Т., 1993; Раджабова М. Проблемы преступления и наказания по шариату. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Т., 1996.

² Гонтарь Н.Я. Преступление и состав преступления как явление и понятие в уголовном праве. – Владивосток. 1997. – С.55-56.

³ Кабулов Р. О понятие состава преступлений // Хуқуқ-Право-Law. – 2001, №3. – С.48.

жиноят содир этилган вақтда унинг бузилиши мумкин” деган амалиёт учун анча фойдали хулосалар чиқаради. Предмет жиноят тажовуз қиладиган ижтимоий муносабатнинг ажралмас қисмидир. Жиноят объекти фақат предметга таъсир этиш орқали бузилиши мумкин¹. Муаллиф жиноят объектини моддийлаштириб, жиноят объекти ва жиноят предмети ўртасидаги чегарани олиб ташлайди. У жиноятнинг объекти давлат ва шахс ўртасидаги объектив муносабатлар ёки шахслар ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши ҳуқуқий муносабатларнинг бирор бир субъектига зарар етказилишида намоён бўлишини эътиборга олмай, ижтимоий муносабатга зарар етказади, деб таъкидлайди.

Ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган барча соҳаларда ҳам давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабат мавжуд бўлавермайди. Масалан, шахс ёки фуқаронинг шаъни ва кадр-қиммати тажовуз қилиши унга маънавий зарар етказиши билан давлатнинг фақат фуқаронинг шаъни ва кадр-қимматини кўриқлаш бўйича манфаати бузилган ҳисобланади. Бироқ ижтимоий ҳаётнинг бу соҳасида шахс ва давлат, шунингдек, шахслараро муносабатларда бундай ҳол юз бермайди, чунки ушбу муносабатлар қонуннинг бирор-бир нормаси билан тартибга солинмаган. Бу ерда фақат шахснинг ғайриқонуний қилмишни содир этганлиги ва уни жиноий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ муносабат пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун Н.С.Зачаровский “Ички ишлар органининг ҳар бир ходими жиноят давлат муносабатларига қаратилмаслиги, балки нарсаларга қаратилишини яхши билади”², деб таъкидлайди.

Юқорида қайд этилган фикрлар қонунда жиноятлар таркибининг айнан шундай ифодаланиши сабабларини, шунингдек, унда объект сифатида ижтимоий муносабатлар ҳамда уларнинг элементлари (масалан, сиёсий муносабатлар субъекти) кўрсатилганлиги ёхуд улар (ижтимоий муносабатлар) нимага (масалан, давлатга, жамиятга ёки ўзганинг мулкига) асосан пайдо бўлганлигини тушунтиради. Бундан ташқари, агар масала жиноят-ҳуқуқий таъқиқларнинг қонунда аниқ ифодаланишига бориб тақалгудек бўлса, у ҳолда

¹ Каиржанов Е. Основные теоретические проблемы объекта уголовно-правовой охраны в СССР. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Киев, 1975. – С.21.

² Зачаровский Н.С. Уголовная ответственность. – Иркутск. 1992. – С.145.

ижтимоий муносабатларнинг жиноий тажовуз оқибатида зарар кўриши мумкин бўлган объект сифатида кўрсатилмаганлиги аёндыр¹.

“Жиноят объекти” жиноят ҳуқуқидаги аксиома ҳисобланади. Ундан ташқари “жиноят объекти” атамасининг кўп қирралилиги жиноят ҳуқуқига бевосита “жиноят объектининг турлари” тушунчасининг киритилишини тақозо этади. Бироқ қонун чиқарувчи орган ва баъзи ҳуқуқшунослар жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясида ва ЖКнинг Махсус қисми бобларини яратиш чоғида ҳам тажовуз объекти эътиборга олинмаган²лиги боис Жиноят кодекси Махсус қисми айрим боблари тубдан ўзгартирилиши ва янада такомиллаштирилиши лозим бўлади.

ЖК Махсус қисми тизимини такомиллаштириш, жумладан, уни кескин ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги олимларнинг фикрлари ўхшашдир. Хусусан, Э.Х.Норбўтаев ЖК Махсус қисми моддаларини “Шахсга қарши жиноятлар”, “Давлатга қарши жиноятлар”, “Табиатга қарши жиноятлар” деб номланувчи гуруҳларга ажратишни таклиф этади³.

Жиноят-ҳуқуқий нормаларини тизимлаштиришда жиноий тажовуз объекти эътиборга олинган, деган фикрни қўллаб-қувватлаган олимлар, бизнинг фикримизча, ҳали-ҳануз жиноятларни таснифлашнинг ягона мезонини ишлаб чиққанлари йўқ. Ҳақиқатда эса, жиноий тажовуз объекти мутлақ илмий тушунча бўлиб, субъектив қарашларнинг салмоқли улушини ўз зиммасига олади. Шу боис қонунни қўллаш амалиётида юзага келаётган муаммо ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда Жиноят кодекси Махсус қисмининг бобларини қайта кўриб, уларни шакллантиришда “жиноят объекти” категориясидан фойдаланиш, шунингдек, жиноят ҳуқуқи назариясининг бошқа муаммоларини ҳал қилишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунончи, ЖК Махсус қисмининг баъзи бир боблари жиноят қонуни билан кўриқланадиган махсус (турдош) объект асосида шакллантирилмаган. ЖКнинг “Транспорт

¹ Спиридонова Л.И. Общественные отношения как объект уголовно-правовой охраны. – М.: 1977. – С.25.

² Ҳакимов И. Правовые вопросы соучастия в хищение социалистического имущества. Автореф. дисс. док-ра. юрид. наук. – Свердловск. 1975. – С.6; Глистин В.К. Общее учение об объекте преступления. Автореф. дисс. док-ра. юрид. наук. – Л.: 1981. – С.27.

³ Нарбутаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. – Т.: 1991. – С.77.

ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар” деб номланган XVIII бобидаги жиноятлар ушбу бобдаги моддалар диспозициясига кўрсатилган барча турдаги транспортнинг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлашга тажовуз қилади. Мазкур қилмишларнинг турдош объекти жамоат хавфсизлигининг таркибий қисмидир. ЖКнинг XVII- ва XIX-боблари ҳам айнан шундай принцип асосида тузилганлиги сўзимизни яна бир қарра исботлайди. Уларнинг ҳар бири бир хил ижтимоий муносабатларнинг алоҳида гуруҳига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик белгиланган нормаларни қамраб олади. Шу тариқа, бир боб доирасида турли хил жиноят-ҳуқуқий институтлар жамланган, масалан, Жиноят кодекси Махсус қисми XVII-бобида, маълум даражада, жамоат хавфсизлигига тажовуз қилмайдиган қилмиш контрабанда (ЖК 246-моддаси) учун жавобгарлик белгиланган. Маълумки, жиноятлар таснифи бир ёки бир неча белгиларга асосан амалга оширилади, акс ҳолда, илмий нуқтаи назардан қатъий ва изчил тизим яратилмайди. Жиноят кодекси Махсус қисмининг амалдаги тизими ҳам шундай камчиликдан холи эмас. Жумладан, бошқарув тартибига қарши ва ҳарбий жиноятлар тўғрисидаги бобларини тузишда мезони сифатида жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган турдош (махсус) объекти ўрнига жиноятнинг субъекти хизмат қилган. Демак, қонун чиқарувчи орган ЖК Махсус қисми бобларини тузишда аниқ мезонлар, хусусан, жиноятларни турдош объектга асосланмаган, деб хулоса қилиш мумкин.

Ҳар бир жиноят-ҳуқуқий норманинг диспозициясида жиноят қонунида жазо белгиланган қилмишнинг аломатлари кўзда тутилган, аммо модданинг диспозициясида жиноят таркиби объектив томонининг барча белгилари акс эттирилган, дея олмаймиз. Шу муносабат билан А.Н.Трайнин: “...диспозицияда муайян оқибат кўп ҳолларда кўрсатилмайди. Ҳатто оқибат ушбу жиноятнинг зарурий белгиси, деб эътироф этилганда ҳам, ҳар доим диспозицияда кўрсатилмайди. Одатда диспозицияда қилмиш ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг таркибий қисми бўлган оқибат билан объектив равишда боғлайдиган

сабабий боғланиш кўрсатилмайди”¹, дейди. Муаллифнинг юқоридаги ўринли мулоҳазаси биз томондан жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясини таҳлил қилинганида ўзининг тасдиғини топди.

Бизнинг фикримизга кўра, ЖК 97-моддаси (қасддан одам ўлдириш), 169-моддаси (ўғрилиқ) ва бошқа кўпгина ўхшаш нормалар диспозициясида қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ қилмишнинг зарарли оқибатлари акс эттирилиши лозим. Таклиф этилаётган ўзгартиришнинг қонун нормаларига киритилиши амалиётда жиноятларни тахмин қилинган асосларга кўра квалификация қилиниши ва содир этилган ижтимоий хавфли қилмишнинг турлича баҳоланишининг олдини олади.

Қонун нормаларини шарҳлашнинг ҳозирда мавжуд бўлган турлари қонунни тўғри қўллаш ва самарали ишлаши учун катта аҳамиятга эга. Турлича шарҳланган жиноят-ҳуқуқий нормалардаги қилмишларни фарқлаш, уларни бир тизимга солиш ва улардан фойдалана олиш, жиноят субъектларининг ҳаракатларини таснифлаш, қилмишни юридик нуқтаи назардан тўғри баҳолаш, процессуал ҳужжатлар ва қонунни қўллаш амалиётини умумлаштириш борасида муваффақиятга эришишнинг муҳим шартларидан биридир. Уни назар-писанд қилмаслик жиддий салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Бинобарин, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек “Айрим қонунчилик ҳужжатларининг... гоҳо нотўғри, қонунга ҳилоф тарзда талқин қилиниши баъзи қонунларнинг самара бермаётганига сабаб бўлмоқда. Қонунчиликнинг мавжуд тартиботидаги жиддий камчиликни ана шунда деб биламан”².

Шу жиҳатдан Жиноят кодексидаги жиноят туфайли етказилган зарарни баҳоловчи категория сифатида таърифланган моддалари тўғри шарҳлаш ва қўллашда қийинчиликлар мавжуд. Жиноят кодексида жиноят оқибатида зарар етказилганлиги учун жавобгарлик белгиланган бир қатор моддалар бўлиб, уларда зарар нисбатан расмий тус берилган категорияларга мувофиқ

¹ Трайнин А.Н. Состав преступления по советскому уголовному праву. – М.: 1957. – С.261.

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.126.

белгиланган. Жиноят қонунидаги бу қоидалар тасодифан вужудга келмаган, албатта, қонун чиқарувчи орган жиноят ҳуқуқи назариясининг таркиби тўғрисидаги қоидаларига таяниб: биринчидан, жиноят таркибини жавобгарлик асоси, деб белгиланган; иккинчидан, жиноят ЖК Махсус қисмидаги ҳуқуқий нормани тузишда жиноят таркибининг барча элементлари норма диспозициясида акс эттирилмаган. Агар шу ўринда ЖК нормаларининг жиноятга таъриф берилмаган диспозициясининг таҳлили, бизнинг фикримизча, қонунда белгиланган жиноий жавобгарлик асосларига кўра, ЖК 16-моддасидаги қоида жиноий жавобгарликнинг асоси сифатида жиноят таркибининг эътироф этилганлигини инкор қилиши боис Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг диспозицияларидаги жиноятнинг тавсифини мукамал, деб бўлмайди. Жиноят кодекси аксарият моддаларини тузишда жиноят таркиби тўғрисидаги таълимотнинг барча қоидаларига риоя этмаган. Шунингдек, жиноят таркиби объектив томонининг барча белгилари модданинг диспозицияда тўлиқ кўрсатилмаганлиги сабабли жиноят таркиби объектив томони қонунда тўла акс эттирилган, деб бўлмайди.

Бир томондан, ҳуқуқшуносларнинг жиноят-ҳуқуқий нормалар тузилишига оид қоидалардан келиб чиқиб, жиноят таркиби (содир этиш усули, оқибати, вақти) жиноятнинг объектив томони белгиларини ажратиб олиш ёки айбдорнинг жавобгарлигини индивидуаллаштириш имконини берадиган кўп уринишларни эътиборга лойиқдир. Иккинчи томондан, Жиноят кодекси Махсус қисми нормалари диспозициясида уларга таъриф берилмаганлиги объектив равишда айбни, ушбу белгиларни аниқлашни қийинлаштиради. Ушбу белгиларнинг қонунда кўрсатилмагани уларнинг субъектив равишда изоҳланишига сабаб бўлиши мумкин.

Фикримизча, ушбу муаммони ҳал этишнинг икки усули мавжуд: 1) жиноят таркиби объектив томони барча белгиларининг қонунда мустаҳкамланиши; 2) қонун чиқарувчининг жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясини тузиш амалиётини ўзгаришсиз қолдириш. Биринчи усул Жиноят кодекси Умумий қисми нормаларнинг келгусида такомиллаштирилишини; иккинчи йўл эса

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларига ўзгартиришлар киритилишини тақозо этади. Бу тадбир ўз навбатида, жиноят таркиби тўғрисидаги таълимотнинг қонуний тан олиниши ва жиноят ҳуқуқи тизимини такомиллаштирилишига хизмат қилади. М.П.Карпушин ва В.И.Курляндскийлар тўғри таъкидлаганидек, “ўзаро муносабатга киришмайдиган ҳодисалар, масалан, муайян жиноят ва жиноят таркиби умумий тушунчасининг боғлиқ бўлиши” мумкин эмас. Ваҳоланки, жиноят қонунида кўрсатилган тажовузни умумий ва махсус белгиларининг мавжудлиги ёки бу ижтимоий хавфли тажовузни жиноят, деб ҳисоблаш учун улар зарур ва етарли бўлади¹. Бу борада Жиноят кодекси 54-моддасига мувофиқ жиноят таркиби эмас, балки “жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли, деб топилган шахс жазога тортилади” дейилган.

Ушбу қондани инкор этиш, унчалик ҳам тўғри бўлмайди, ЖК 54-моддасидаги бу қоида қонунда белгиланган тартибда айбдор деб топилган шахс томонидан содир этилган жиноят жиноий жавобгарликнинг ягона асосидир, дейиш мумкин. Айнан шунинг учун ҳам барча жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг диспозицияларида у ёки бу (тор ёки кенгайтирилган) даражада фақат “объектив воқеиликда мавжуд бўлган ҳуқ-атворнинг ташқи ифодаси”² тавсифланади.

Жиноятнинг ички мазмунига келсак А.И.Рарогнинг таърифича, гарчи жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноий жавобгарлик ва жазога тортилиши керак бўлса-да, лекин жиноят-ҳуқуқий нормаларда айбнинг шакли кўрсатилмаган³. Демак, ЖК Махсус қисмининг барча моддалари диспозициясида жиноятнинг барча белгиларини акс эттиришга ҳаракат қилишимиз лозим, акс ҳолда айбни аниқлашнинг мураккаблигига айбдор шахсларни аниқлаш билан боғлиқ қийинчилик ҳам кўшилиши мумкин. Чунки, тадқиқот доирасида биз ўрганган жиноят ишларида жиноят субъектив

¹ Карпушин М.П., Курляндский В.И. Уголовная ответственность и состав преступлений. – М., 1874. – С.163-164.

² Ахмедов Г.А. Рецензия на монографию Карпушина М.П. И Курляндского В.И. Уголовная ответственность и состав преступлений. // Соц. законность. –1975, №12. – С.76.

³ Рарог А.М. Вина в советском уголовном праве. – Омск, 1987. – С.42.

томонининг нотўғри аниқланганлиги билан боғлиқ суд хатоларининг салмоғи, суд ҳукмининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлган суд хатоларининг, тахминан учдан бир қисми ташкил этади. П.С.Дагель ва Р.И.Михееваларнинг фикрича, “айбни аниқлашда хато қилмишнинг сабабларидан бири жиноят қонунидаги қасд ва эҳтиётсизлик, жиноий фаолият муайян шакллари субъектив белгиларининг нотўғри тушунилиши ва шарҳланиши ҳисобланади”¹.

Жиноят ҳуқуқига оид адабиётларда жиноят-ҳуқуқий муносабатларда айбнинг ўрни аҳамияти ҳақида учта асосий нуқтаи назар баён қилинган. Бир гуруҳ олимлар айбни жиноятнинг субъектив томони билан боғлайдилар, бошқалари айб жиноят субъектив томонига қараганда анчагина кенг тушунча бўлиб, жиноят содир этишнинг субъектив ҳолатлари ҳам айбда мужассамлашади, деб ҳисоблайдилар. Учинчи гуруҳ олимлар эса, айбни жиноят субъектив томонининг белгиларидан бири деб ҳисоблайдилар, у мотив ва мақсад орқали ифодаланади, деган фикрни асослашга ҳаракат қиладилар. А.И.Рарог “айб, мотив ва мақсад – жиноят субъектив томонининг таркибий қисмларидир. Субъектив томоннинг айб ва бошқа таркибий қисмлари ўртасида мустаҳкам алоқа мавжуд бўлиб, бироқ улар ҳар бир белгининг, алоҳида мустақил юридик аҳамиятга эга эканлигини инкор этмайди”². Биз тадқиқот олиб бориш жараёнида жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясидаги жиноят субъектив томонини муайян даражада тавсифловчи қоидаларни таҳлил қилиш орқали уларни ажратиб олишга уриндик, аммо қонун нормаларига асосланиб бу вазиятдан чиқиш йўлини топаолмади. Зеро, ЖК Махсус қисми тегишли моддаларида назарда тутилган айрим жиноятларнинг зарурий белгилари бўлган мотив ва мақсаднинг, шахс жавобгарлигини оғирлаштирувчи бошқа ҳолатлар каби қонунда кўрсатилмаганлиги Қонундаги номувофиқликлардан бири, унинг камчилиги ҳисобланади.

¹ Дагель П.С., Михеева Р.И. Теоретические основы установления вины. Владивосток. 1975. – С.23.

² Рарог А.М. Вина в советском уголовном праве. – Омск, 1987. – С.86.

Аслида, айбни тавсифлайдиган жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари бўлган мотиви ва мақсадини исботлашнинг анча мушкул эканлигини ҳисобга олиб, жиноят ҳукуқидаги сингари жиноят-процессуал маънода ҳам фақат айбнинг мавжудлигини аниқлаш шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун етарлидир. Шу муносабат билан жиноий мақсадни жиноятнинг зарурий белгиси сифатида алоҳида кўрсатилиши мантиқан тўғри бўлмайди. Зотан, тамагирлик ёки безорилик мотивларининг мавжудлигини шахснинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат, деб топилиши одиллик принципига зид ҳисобланади. Ваҳоланки, жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгилари бўлиб, уларни аниқлаш орқали айбга таъриф берилади.

Юқорида билдирилган фикрлар: Нима учун ЖКнинг айрим нормаларида мотив ва мақсад жиноятнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилгану, бошқаларида кўрсатилмаган? Нега ЖК айрим нормаларида мотив ва мақсад жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўрсатилгану, бошқаларида кўрсатилмаган? Жиноий мотив жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тан олингудек бўлса, ўша жиноятнинг ижтимоий хавфилилик даражаси ортадими? деган саволлар туғилади. Ҳама мақсадда айбдорга таниш бўлган ёки бегона шахс ўлдирилиши мумкин. Айнан шундай ҳолатда айбдорнинг ўч олиш, рашк ёки шахсий адоват туфайли бегона шахсни ўлдириш эҳтимоли ҳам мавжуддир. Шундай экан, қонун чиқарувчи томонидан рашк ёки ўзга шахсий адоват туфайли қасддан одам ўлдиришни (ЖК 97-м. 1-қ.) эмас, балки тамагирлик ниятини одам ўлдиришда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат, деб белгиланганлиги нимага асосланган? Ушбу саволларга тўғри ва аниқ жавоб топиш анчагина мушкул.

Юридик адабиётларда ЖК Махсус қисми моддаларида назарда тутилган жиноят субъектив томони белгиларини қайд этиш орқали қасд ва эҳтиётсизликнинг тавсифини келгусида такомиллаштириш, қонундаги атама ва

тушунчаларни бир хил ҳолатга келтириш борасида берилган таклифлар¹ ниҳоятда ўринли, деб ўйлаймиз.

Умуман “Таърифларнинг ноаниқлиги, тушунчалар ва атамаларнинг бир хилда қўлланилмаслиги норматив ҳужжатларнинг нотўғри тушунилиши ва қўлланишига, уларнинг асл маъноси бузилишига олиб келади”². ЎзР ЖКда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланган жиноят субъектив томонининг факультатив белгиси – тамагирлик нияти, қонуннинг баъзи моддалари (ЖК 97-м. 2-қ.) “и”-б.; 104-м. 2-қ. “и”-б.; 105-м. 2-қ. “е”-б.; 124-м.)да “тамагирлик нияти”, деб ёзилган бўлса, бошқа моддалар (ЖК 125-м. 2-қ. “б”-б.; 133-м. 2-қ. “а”-б.; 137-м. 2-қ. “б”-б.; 139-м. 3-қ. “г”-б. Ва б.)да “ғаразгўйлик ниятларда” атамаси ишлатилган. Ваҳоланки, тамагирлик нияти ва ғаразгўйлик нияти жиноят содир этилганида айбдорнинг моддий манфаат кўришини билдиради. Шундай экан, ЖК моддаларини тузишда бир хил шакл ва маънодаги сўзларнинг ишталиши мақсадга ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқ бўлади³.

Н.Г.Ивановнинг қасд ақлий ва иродавий белгиларига кўра анъанавий тарзда уч турга бўлиниши фақат қонунни қўллаш нуқтаи назаридангина эътироз туғдирмайди⁴, деган фикрига қўшилиб, ушбу масаланинг хорижий мамлакатлар жиноят қонунида қандай акс эттирилганини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, ГФР Жиноят кодексида қасд тушунчаси берилмаган, лекин унинг мазмуни қонуннинг 16-параграфида психологияга оид “билим” атамаси орқали ифодаланган⁵. Франция Жиноят кодексининг тегишли моддаларида айбни “атайлаб қасд” ва жиноий қасд шаклларига юридик таъриф берилган⁶. Испания жиноят қонунида нафақат қасд

¹ Абдумажидов Ғ.А. Қонун ижодкорлиги муаммолари / Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатларини тайёрлашни такомиллаштириш муаммолари. – Т.: 1998. – Б.57.

² Одилқориев Х. Тўлғоев И., Мухамедов Ў. Икки палатали парламент. – Т.: 2004. – Б.177.

³ Нажимов М., Сайдуллаев Ш. Қонунчилик техникаси. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. –Б.7.

⁴ Иванов Н.Г. Принцип субъективного вменения и его реализация в УК // Государство и право. – 1999. №10. – С.54.

⁵ Уголовное право зарубежных государств. –М.: Новый юрист, 1998. –С. 46.

⁶ Новый Уголовный кодекс Франции. –М.: Юридический колледж МГУ, 1993. –С.6.

ва эҳтиётсизлик, уларнинг турлари, балки айбнинг ҳам умумий таърифи берилмаган¹.

Айрим юридик адабиётларда “қасд” ўрнига “атайлаб қасд” атамасидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги хусусида бир қатор фикр ва мулоҳазалар билдириб ўтилган². Бизнингча, қонунчилик техникаси нуқтаи назардан ҳам, жумланинг аниқ, раво ва тушунарли бўлишини таъминлаш, шунингдек, қасд ўз мазмунига кўра қилмишнинг атайлаб қилинишини қамраб олиши туфайли қонунда “қасд” атамасининг ўзидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят субъекти масаласида изоҳларга берилишига ҳожат йўқ, бинобарин мазкур институт қонун чиқарувчи томонидан ЖКнинг тегишли моддаларида етарли ва тўлиқ тартибга солинган. Фақат жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги, деб номланувчи ЖК 17-моддасида жиноят махсус субъект томонидан содир этиладиган қилмишлар жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясида тавсифланганлиги туфайли уларнинг хусусиятларини кўрсатиш лозим, деб ўйлаймиз.

Жиноят кодекси ва жиноят-ҳуқуқий нормалар тузилиши ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикрларини таҳлил қилиш Жиноят кодексида назарда тутилган жиноятларнинг белгилари мавжуд бўлган қилмиш жиноий жавобгарлик асоси деб тан олиниши ва қонунда мустаҳкамланиши зарурлигини эътиборга олиб, Жиноят кодекси 16-моддаси 2-қисмидан “таркиб” сўзининг чиқарилиши лозим.

¹ Уголовный кодекс Испании. –М.: Зерцало, 1998. –С. 5.

² Нарбутаев Э.Х. Чезаре Беккариа и современность. – Гулистан, 1996. – С.45.

1.3. Жиноий жавобгарлик асоси белгиларининг таҳлили

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “энг аввало қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак”¹.

Юқоридаги талабларга кўра жиноят қонунининг либераллаштирилиши ва қонунийлик принципи нуктаи назаридан Жиноят кодекси айрим моддалари такомиллаштирилиши лозим.

Қонун нормаларидаги ушбу камчилик қонун матнида ноаниқ, мужмал тушунчаларнинг мавжуд эканлигида намоён бўлади. Ушбу ушбу камчиликлар жиноят қонуни нормаларининг амалиётда субъектив талқин қилинишига йўл очади. Бу эса, терговчи, прокурор ёки судьянинг ҳаётий тажрибаси, касбий малакаси, ҳуқуқий онги даражаси ва дунёқараши билан боғлиқ мураккаб вазиятни вужудга келтиради, яъни жиноят содир этган шахснинг бир ҳолатда жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва аксинча, бошқа бир ҳолатда айнан шундай қилмиши учун жазоланишига сабаб бўлиши мумкин.

Амалдаги жиноят қонунидаги камчиликларни бартараф этиш учун дастлаб ЖК Умумий ва Махсус қисми нормаларнинг рақобати мавжудлигини тан олишимиз ва уларни яна бир бор ўрганишимиз даркор. Жиноят қонуни “Умумий ва Махсус қисми нормаларнинг рақобати мавжуд бўлганида, айбдорнинг ҳаракатлари махсус нормалар бўйича квалификация қилиниши керак. Агар бундай рақобат бўлмаса, яъни жиноий қилмиш махсус нормалар

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.338.

доирасига кирмаса, шахс умумий нормалар бўйича жавобгарликка тортилиши лозим”¹.

Тадқиқотимиз жараёнида анкета-сўровларига жавоб берган 30 нафар судья ва 50 нафар терговчиларнинг 84% ЖК Умумий ва Махсус қисми нормаларининг рақобати бўлганида қилмишни квалификация қилишда қийиналганлигини, респондентларнинг 43% фикрича, бу қийинчиликларнинг сабаби сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида умумий ва махсус нормалар рақобатига оид тушунтириш берилмаганлигини; 37%и эса ЖК Умумий ва Махсус қисми нормаларида алоҳида номувофиқликлар мавжудлигини кўрсатганлар. Сўралганларнинг 20% ЖК Умумий қисми нормаларида юқоридаги сингари рақобат мавжуд бўлганида, нималарга эътибор берилиши кераклиги ҳақидаги қонуннинг йўқлигига эътибор беришган. “Жиноят қонунини қўллаш амалиётида умумий ва махсус нормаларнинг ташқи фарқларига эмас, балки уларнинг моҳияти, табиати, ажратиб кўрсатилган асослари ва бошқаларга таяниш лозим”².

ЖК Махсус қисми моддалари диспозициясида объектив томони батафсил ёритилмасдан, аксинча, уни баҳоловчи категориялар орқали таърифланиб, қонундаги умумий нормаларга “қутқарув” вазифаси юкланади, шахсга содир этган қилмишига мос равишда тўлиқ ҳажмда айблов эълон қилиш учун қўшимча далиллар тўплаш имкони берилмаган тақдирда уларнинг қўлланишига йўл қўйилади. Ўз навбатида, жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг бундай кенг ҳажмда қўлланилиши улардан фойдаланишда муайян қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Ушбу вазият жиноят қонуни тизимида умумий нормалар зарурми? деган шубҳа туғилиши учун асос бўлади. Шу боис прокурор ва судьялар жиноят қонунининг либераллаштирилиши муносабати билан жиноят деб топилган қилмишлар доирасини, қонунга киритилган ўзгаришлар ва камчиликларни билишлари зарур. Қонун чиқарувчи, умумий нормаларни қолдириб, жиноят ва жиноят

¹ Матлюбов Б. Отграничение совокупности от конкуренции общей и специальной норм при квалификации преступлений // *Хуқук-Право-Law*. –1999, №2. – С.83.

² Свидлов Н.М. Специальные нормы и квалификация преступлений. – Волгоград: 1981. – С.16.

бўлмаган қилмишни баҳолашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун айрим имкониятларни қолдириши кераклиги ҳақидаги масалаларга бир хил жавоб бериш мушкул. Жиноят кодексида бундай нормаларнинг мавжудлиги қонунни қўллаш амалиётида, уларнинг турлича талқин қилинишига сабаб бўлмоқда, хизмат вазифаси билан боғлиқ ЖК 205-моддаси билан квалификация қилиш амалиётда ҳамон учраб турибди.

Масалан, 1998-2003 йилларда Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ЖК 205-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш) бўйича жиноий жавобгарликка тортилганларнинг 20% қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги учун кейинчалик суд томонидан оқланганлар. Шу муносабат билан “амалдаги қонунчилик ҳужжатлари кўпинча умумий, декларатив қоидалар ва ҳаволаки нормаларидан иборат бўлиб, айти пайтда унда бевосита таъсир кўрсатувчи нормалар кам”¹, деган фикрга қўшиламиз.

Ушбу мулоҳаза қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимча киритиш учун улар рухта ўйланиши, мутахассислар томонидан экспертиза ва муҳокама қилиниши лозим. Жиноят ҳуқуқи фанида “жавобгарликни дифференциациялаш ва жазоларни индивидуаллаштириш, Умумий қисм қоидаларини такомиллаштириш Махсус қисм нормалари диспозициясидаги таъриф яхшилаш, жиноятларни бир хилда ва аниқ квалификация қилинишига оид қатор тавсиялар ишланган”².

Юқоридаги тавсияларга амал қилиниши Жиноят кодексида муайян ҳаракатлар шаклидаги аниқ тавсифлаб бўлмайдиган жиноятларга берилган умумий таърифнинг қолдирилишига ва у жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа таъсир чораларининг одилона бўлишига имкон яратади.

Шу маънода қонун чиқарувчининг жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясини шакллантиришда баҳоловчи категориялардан фойдаланиши

¹ Илҳомов О. Жиноят қонунини такомиллаштиришнинг айрим муаммолари // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2002, №1. – С.15.

² Ахмедов Г.Н. Обновление уголовного законодательства Республики Узбекистан / Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқнинг долзарб муаммолари. – Т.: 1994. – С.261.

муҳим ҳисобланади. Бизнингча, Жиноят кодекси моддаларини шаклантирилиш даражаси диспозицияларда, субъектив нуқтаи назарда шарҳланиши мумкин бўлган мужмал ва ноаниқ баҳоловчи белгиларнинг мавжудлигига қараб, жиноят қонуни одиллик нуқтаи назаридан баҳоланиши мумкин. Жиноят ҳуқуқи назариясида баҳоловчи тушунчалар билан боғлиқ муаммоларни ўрганишга. Баҳоловчи тушунча ва унинг аҳамиятига ҳуқуқнинг турли соҳалари (жиноят, фуқаролик, меҳнат ҳуқуқи тармоқлари) вакиллари томонидан таъриф берилган¹.

Бироқ олимларнинг тавсиялари қонун чиқарувчи орган томонидан инобатга олинмаган. Амалдаги Жиноят кодексининг кўп нормалари баҳоловчи тушунчалар асосида тузилган бўлиб, улардан 70га яқин нормада фойдаланилган.

Юридик адабиётларда баҳоловчи белгиларини икки тури мавжуд эканлиги ва уларни қўллаш нафақат ижобий, балки салбий оқибатларни ҳам вужудга келтириши мумкинлиги таъкидланган. Собик иттифоқ даврида судьяларга баҳоловчи тушунчаларни талқин қилиши учун имконият берилиши бир вақтнинг ўзида қонун нормаларининг субъектив асосларга кўра қўлланилиши чегарасининг кенгайишига сабаб бўлган. Чезаре Бекарриянинг “Одил судловни амалга оширишда суд қарори минимум, қонун максимум хусусиятга эга”², деган мулоҳазаси ўринлидир. ЖК нормалари диспозициясида баҳолаш тушунчаларининг кўплиги суд амалиётида амалдаги жиноят қонуни талабларини бир хилда тушуниш ва тўғри қўлланишини қийинлаштиради³, суд ва тергов органлари ходимларининг қонун нормаларини ўз хоҳлаганидек, шарҳлашларига имкон беради.

Содир этилган қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш ва айбдорга нисбатан жазо тайинлаш қонунда баҳоловчи белгилар бўлса, амалиёт ходимларидан чуқур билими тажриба ва касбий малака талаб қилади, аммо

¹ Жумладан: Бару М.И. Оценочные понятие в трудовом законодательства. // Сов. государство и право. – 1970. №7. – С.61; Жалинский А.Э. О соотношений уголовного и гражданского права в сфере экономики // Государство и право. – 1999, №12. – С.49.

² Чезаре Бекаррия Преступление и наказание. – М.: 1997. – С.45.

³ Бошко С.В. Судебная практика: ошибка выражения // Государство и право. – 2003. №3. – С.21.

қонунни қўлловчи барча ходимларда бундай фазилатлар бўлмайди. Шу муносабат билан В.Н.Кудрявцевнинг “Албатта, шуни эътиборга олиш зарурки, бошқа фикрга нисбатан баҳоловчи фикрда ҳақиқатдан ажралиб қолиш хавфи каттароқ, чунки, унга умумий равишда ҳавола қилиш бу фикрдан фойдаланадиган шахснинг ўзи томонидан шакллантирилади”¹, деган фикрига қўшиламыз.

Амалиёт ходимининг билими, тажрибаси ва касбий маҳорати етарли бўлмаганлиги сабабли жиноятни кўп ҳолларда, тўғри баҳолай олмайди. Ҳуқуқ назариясида баҳолаш тушунчасига: 1) унинг жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат эканлиги; 2) турли хил предметлар, ходисалар, ҳаракатлар учун умумий бўлган асослар, сифатлар, алоқалар ва муносабатларнинг акс этилиши; 3) жиноят қонунидаги предметлар, ходисалар, ҳаракатлар, жараёнларнинг алоҳида жиҳатини акс этса-да, бироқ қонун чиқарувчи томонидан батафсил ёритилмаганлиги оқибатида муайян даражада ҳуқуқшунос ҳуқуқий онгини белгилаб берадиган баҳолаш тушунчаси сифатида қабул қилинади.

Баҳоловчи белгиларнинг мазмуни муайян ижтимоий вазиятга боғлиқ равишда ўзгариб туради, чунки ушбу улар қонунни амалда қўллаётган шахснинг ҳуқуқий онги даражасига қараб турлича талқин қилинади. Жиноят қонунининг амал қилишида конструктив белги шаклида ўз ифодасини топган баҳолаш категорияси мазмунида барқарорликнинг йўқлиги уни ўзгарувчан категориялар сирасига киритиш имконини беради. Суд ва тергов органлари ходимларининг кўпинча мазкур белгиларни бир хилда тушунмаслиги туфайли содир этилган тажовузни квалификация қилишда хатога йўл қўйилмоқда. Масалан, ЖК 277-моддаси 1-қисми билан жазога ҳукм қилинган Т. маст ҳолда кеч бўлишига қарамай, темир йўли навбатчиси хонасига кириб, бошқарма ходимасини қучоқлаган, кейин қўлига кўтариб олган, К. ундан қўйиб юборишни сўраганида, мушти билан К.нинг юзига зарба бериб, уйига

¹ Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М.: 1999. – С.139.

кетган¹. Суд Т.нинг қилмишини ушбу жиноят таркибини баҳоловчи белги - жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасликни эътиборга олиб, безорилик, деб квалификация қилган.

Дастлабки тергов жараёнида жиноят таркибига нисбатан баҳоловчи белгиларини қўллаб, қилмишни квалификация қилишдаги хатолар қонун нормаси нотўғри қўлланилганлиги боис айбловнинг ўзгартирилишига сабаб бўлганлиги барча ҳолатларнинг 43%ни ташкил этган²лигини кўрсатди.

110 нафар судья, ички ишлар прокуратура ва адвокатура ходимлари ўртасида ўтказган сўровларимиз натижасига кўра сўралганларнинг 82%и Жиноят кодекси Махсус қисми нормалари диспозициясидаги баҳоловчи белгилар мазмунни тўғри тушуниш қийинлигини айтишди. Бундан ташқари ушбу камчилик жиноят ҳуқуқида баҳоловчи белгиларини муаммосини ўрганган бошқа криминологлар томонидан ҳам қайд этилган³.

Демак, айрим жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг мукамал эмаслиги, жиноят қонуни принципларининг бузилиши учун шароит яратади. Аслида эса, жиноий жавобгарлик бевосита жиноят қонунида бевосита назарда тутилган қилмишлар учунгина қўлланилади. Бизнинг баҳоловчи категорияларидан жиноят-ҳуқуқий нормалар тузилишида фойдаланмаслик зарур, деган фикримиз ушбу белгилар шахсни ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилишига имкон беришига асослангандир. Бундай салбий оқибатлар бўлмаслиги учун қонундаги баҳоловчи тушунчадан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки: 1) баҳоловчи тушунчани бутунлай йўқотиш имкони йўқлиги; 2) барча ҳаётий вазиятларда нуқсони бўлмаган, идеал норматив ифодалардан “ёлғон”ни сиқиб чиқариш ечимининг топилмаган.

¹ Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар жиноят ишлари судининг 2002 йилги архиви.

² Шапченко С.Д. Оценочные признаки в составах конкретных преступлений. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Киев, 1988. – С.21.

³ Байтин М.Н. О современном нормативном понимании права // Журнал Российского права. 1999. №1. – С.99; Сырых Е.С. Разработка проблем юридической техники – на уровень потребностей практики // Журнал Российского права. 1999. №12. – С.67.

Қонунда (тилининг аниқлигига кўра) ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ғайриқонуний ҳаракатларнинг эҳтимол тутилган барча нуксонлари таърифланиши мумкин эмас. Албатта, қонун ижодкорлиги фаолиятида бунга ҳаракат қилиш керак, бироқ ушбу истакни мутлақ даражада амалга оширишнинг сира ҳам иложи йўқ, бироқ қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ ҳуқуқ нормалари аниқ, тушунарли ва зукколик билан расмий ҳолга келтирилиши, шахснинг конституциявий-ҳуқуқлари дахлсизлигига таъсир этувчи жиноят ҳуқуқини нормаларда унга янада кўпроқ эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир¹. Н.А.Беляевнинг қонун чиқарувчи норманинг мазмунини аниқ баён этиши лозимлиги хусусидаги фикрларни қўллаб-қувватлаб, “унда жиноятнинг барча зарурий белгилари шундай ифодаланиши керакки, суд ушбу белгиларда қонун чиқарувчининг хоҳиш-иродасини аниқ кўра олсин”², дейди. Юқоридаги фикрга қўшимча сифатида жиноят ва жиноят ҳисобланмайдиган қилмишларнинг фарқлари жиноий жазога лойиқ ҳаракатларни ҳуқуқ нормалари матнида батафсил тавсифлаш йўли билан бўлса-да, қатъий ва аниқ кўрсатилиши муҳимдир, чунки қилмишларни фарқларини аниқлаш зарурияти қонундаги кўрсатма бир хил ва аниқ бўлсада, ҳуқуқий нормаларнинг ҳар хиллиги, уларнинг етарлича аниқ эмаслиги қонунни бир хилда қўллаш имконининг йўқлигидан келиб чиқади³. Хусусан, жиноят қонунининг ривожланиши жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, янги ижтимоий ҳавфли қилмишларнинг вужудга келиши қонунга тегишли ўзгаришлар киритилишини тақозо этади. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши янги турдаги хўжалик жиноятларини вужудга келтирганлиги ва келтириб чиқаверишини прогноз қилиш мумкин⁴.

¹ Тихомиров Ю.А. О правилах законодательной техники // Журнал Российского права. 1999. №11. – С.113; Ковалев М.И. Уголовное правотворчество и законодательная техника. – В кн.: Криминология и уголовная политика. – М.: 1982. – С.112-113; Кўчимов Ш. Ҳуқуқий ижодкорликда қонунчилик техникасининг баъзи масалалари. // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2000, №3. – С.11.

² Беляев Н.А. Уголовно-правовая политика и пути её реализации. – Минск, 1986. – С.141.

³ Яковлев А.М. Социальные функции процесса криминализации // Сов. государство и право. – 1982, №2. – С.96; Алько Е.В. К вопросу о приемах законодательной техники в уголовном законодательстве. // В сб.: Вопросы совершенствования уголовно-правового регулирования. – Свердловск, 1988. – С.29.

⁴ Тультеев И.Т. Прогнозирование правотворческой деятельности. / Ҳуқуқнинг долзарб муаммолари. – Т.: 1996. – С.39; Якубов А.С. Научный прогноз в правотворчестве. / Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатларини

Айни пайтда одатдаги нутқимиз ишлатилмайдиган махсус атамалар норматив ҳужжатларда кенг қўлланилади, умумий муомилада кенг тарқалган баъзи атамалар нисбатан тор ва махсус мазмун касб этади. Ҳуқуқий кўрсатмаларнинг аниқлигини ошириш учун бир хил атама ва ибораларни инкор этмаслик, балки уларни кенг қўллаш ўринлидир”¹.

Дарҳақиқат, жиноят-ҳуқуқий нормаларни расмийлаштиришда ҳам ягона, бир хил маънодаги атама ва ибораларни ишлаб чиқиш ва муомалага киритишдек юридик-техника талаби амалга оширилиши зарур. Бир сўз айнан бир хил атама мазмунини ифодалаши лозим, ва аксинча, бир хил мазмунга эга бўлган атамалар турли жиноят белгиларини ифодаллаганида бир хил тушунилиши лозим. Амалдаги Жиноят кодексида, афсуски, бу қонданинг бузилганлигини кўриш мумкин, чунончи қонунда мулкӣ зиён 19та атама ва ибора ёрдамида ёзилади, шахснинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар 15та атама ва ибора билан ифодаланади. Кўпинча шахснинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган ва бошқа турдаги оқибатларни таърифлашда айнан бир хил атама ишлатилади. “Жиноят қонунида кўпинча мавҳум юридик тушунчаларни қўллаш орқали жиноий оқибатга таъриф берилган. Зотан, айнан бир тушунча турли оқибатларнинг хусусияти ва ҳажмини аниқлаш мақсадида ишлатилади”².

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилги Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларига киритилган янги атамаларнинг қўлланишига оид тушинтириш берилмаган эди, агар атамалар жиноятнинг янги тури, масалан, терроризм, банкротликни яшириш ва ҳ.к.нинг тушунчаси муайян жиноят таркиби каби очиб берилиши лозим. Жиноятлар ва уларнинг квалификациявий белгиларини тавсифлаш жараёнида жиноят ҳуқуқий норма диспозициясидаги атамаларга алоҳида эътибор берилиши керак, “талон-тарож” тушунчаси муайян жиноят: ўғрилик, талончилик, босқинчилик,

такомиллаштириш муаммолари (илмий-амалий анжуман материаллари). – Т.: 1998. – С.64; Саидахмедов И. Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида башорат қилиш. / Конституция ва инсон манфаатлари. – Т.: 1997. – Б.171.

¹ Одиқориев Ҳ., Тультеев И., Мухамедов Ў. Икки палатали парламент. – Т.: 2004. – Б.177.

² Земляков С.В. Об одном аспекте совершенствования уголовно-правовой терминологии // Сов. государство и право. – 1987, №9. – С.80.

Ўзлаштириш ёки растрата қилишда қўлланиши мумкин. Фирибгарлик (ЖК 168-моддаси)нинг белгиларини аниқлаш унинг талон-тарож билан мантиқан боғлиқ эканлигини кўрсатади. ЖК Махсус қисми Х боби “Ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш” деганда ўзганинг мулкни ғайриқонуний равишда эгаллаш ёки алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкка бўлган ҳуқуқини қўлга киритиш тушинилади. Албатта, бундай таъриф талон-тарож тушунчасига мувофиқ келмайди. Чунки бундай белги ўзганинг мулкни олиб қўйиш ва (ёки) ўзганинг мулки билан муомила қилишни тақозо этади. Бу эса, талон-тарож қилиш тушунчасини, яъни ўзганинг мулкни алдов ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш усулини англамайди. Ёки талон-тарожда жабрланувчининг хоҳишига эътибор берилмайди, фирибгарликда эса ўзганинг мулкни қўлга киритиш жараёнида жабрланувч ҳам ўз хоҳишига кўра иштирок этади ва бунда айбдор ўзганинг мулкни қўлга киритишни эмас, балки мулкка бўлган ҳуқуқни эгаллашни ҳам назарда тутаяди. Хулоса қилиб айтганда, фирибгарлик ва товламачилик (ЖК 165-моддаси)да мулк талон-тарож қилинмайди. Талон-тарожнинг яна бир белгиси жабрланувчи мулк эгасига зарар етказилиши ҳисобланади. Адабиётларда ўғрилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан содир этиладиган талон-тарож ўзганинг мулки эгаллаган вақтдан тамом бўлган, деб ҳисобланади. Бироқ уларни тугалланган деб топиш учун бу жиноятларнинг содир этилиши натижасида жабрланувчига зарар етказилган (зарурий белги) бўлиши керак, демак жиноий қилмишни тугаган, деб топиш учун, яъни моддий зарар етказилиши лозим. Айбдор мулкни эгаллаб олган тақдирда ҳам, унинг қилмиши мулкни талон-тарож қилиш (ўғирлик, талончилик ва ҳ.к.)га суиқасд сифатида қаралиши лозим.

Босқинчиликда жиноят ҳужум бошланган вақтда тугалланган, деб ҳисобланади, чунки ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш ўзганинг мулкни талон-тарож қилиш мақсадида содир этилганлиги унинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини оширади. Шу ўринда,

жиноятчи ўзининг мақсадига эришмаганида, яъни мулк эгалланмаганида ҳам жиноят тугалланган ҳисобланадими? деган табиий савол туғилади.

Н.А.Лопашенко суд-тергов амалиётида жиноят-ҳуқуқий нормалар кодификацияси муаммоларини тадқиқ этар экан, умуман, Жиноят кодекси Махсус қисмидаги жиноятларнинг квалификациявий белгиларига мос равишда жиноят-ҳуқуқий нормалар ҳам кодификация қилиш зарур деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, бундай бирликка эришиш мақсадида: 1) квалификация қилинадиган ҳолатларни “оғир оқибатлар”, “жиддий шикаст”, “бошқа оғир оқибатлар”, “алоҳида оғир оқибатлар” ва шу каби баҳолаш категорияларидан фойдаланиб ифодалашдан воз кечиш; 2) Жиноят кодекси Умумий қисмидаги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга оид махсус моддани қайта кўриб чиқиш; 3) жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар билан боғлиқ бир хил маъно касб этувчи атама ва ибораларни бир хилда ишлатиш ва аксинча, оғирлаштирувчи ҳолатларни турли хил атама ва иборалар ёрдамида ифодалаш зарур¹. Шунинг ёддан чиқармаслик зарурки атамашуносликдаги тафовутлар жиноятни квалификация қилишда ҳам аҳамият касб этади, чунки улар минглаб одамларнинг тақдирини ҳал этади.

Қонунчилик техникаси – “норматив ҳужжатларнинг аниқ ва лўнда, тушунарли ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида уларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш ва тизимга солиш қоидалари воситалари ва усуллари мажмуи”² бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси қонунчилик техникасининг объекти ҳисобланади ва мукаммал, самарали қонунни яратиш унинг мақсадидир.

Айтайлик, идоравий норматив ҳужжатларни тартибга солувчи қонуннинг бузилганлиги ва рўй берган зарарли оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлмаса, бу қилмишни жиноят, деб ҳисобламаслик тўғрисидаги фикр тўғри, чунки биринчидан, шахсни жавобгарликка тортиш йўриқнома, қоида, низомларга киритиладиган тегишли ўзгартиришларга боғлиқ бўлади.

¹ Лопашенко Н.А. Принципы кодификации уголовно-правовых норм. – Саратов: 1989. – С.95-96.

² Теория государства и права. / Под ред. В.М. Корельского и В.Д. Перевалова. – М.: 1998. – С.313.

Иккинчидан, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарликларни жиноий қилмишлар сирасига киритиш керак эмас. Шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг иккинчи жиҳати ижтимоий зарар етказилиши билан боғлиқ бўлиб, Т.В.Кленова бланкет диспозицияли жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг асл мазмунини аниқлаш анча қийин эканлигини эътироф этиш билан бирга қонунни қўлловчи шахс ўзи учун ноқулай бўлган бундай норматив шакллардан фойдаланишини асосли,¹ деб ҳисоблайди. М.Д. Лисов эса жиноят тушунчаси ва белгиларини мантикий-таркибий таҳлил қилиш билан бланкет диспозицияларнинг умумий таркибларини танлаш фаолияти соҳасини кенгайтиришни юридик расмийлаштириш ва уларнинг қонунга мувофиқлигини аниқлаш², мумкинлигини билдиради.

Фикримизча, қонунийлик принциpidан келиб чиққан ҳолда ЖК моддаларини тузишда жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозицияларидаги қилмиш (ҳаракат ҳаражсизлик) билан етказилган зарар ўртасида сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш учун бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинадиган айнан шу ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг батафсил тавсифи хизмат қилади.

Ўйлаймизки, қонунийлик принципга таяниб, жиноят-нормалар диспозициясидан ва ЖК моддаларига қилинган ҳаволалардан мумкин қадар воз кечиш зарур. Чунки ҳаволаки диспозициялар жиноят қонунини қўллаш амалиёти ва норматив материалларни тежаш манфаатлари нуқтаи назардан ўзини оқламайди. Улар бир хил шарҳланганлиги боис ушбу қонун нормасини амалда қўллашда хатоликларга йўл қўйиш эҳтимоли кўпроқдир.

Шундай қилиб, жиноят-ҳуқуқий нормалар тузилишидаги қайд этилган номутаносибликлар ва яққол кўриниб турган камчиликлар уларнинг диспозициясини қонунчилик техникасининг маълум қоидалари доирасида тузишнинг мақбул мезонларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Бу

¹ Кленова Т.В. Структура уголовно-правовой нормы и выражение ее предписаний в законодательства // Сов. государство и право. – 1988, №11. – С.83.

² Лысов М.Д. Логико-структурный анализ понятий и признаков преступлений в действующем Уголовном кодексе РФ // Государство и право. – 1997, №12. – С.75.

соҳада ҳуқуқ нормаларига бўлган талаблар алоҳида долзарблик касб этаётганлиги боис, улар амалиётда қилмишни аниқлаш ва уни исботлаш белгиларини ўз ичига олиши зарур¹. Шу сабабли жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси фанини дифференциация қилишни фақат жиноятга ва исботлаш предметига оид масалаларни алоҳида тадқиқ этиш билангина ҳал этиб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида айрим атамаларни турлича қўлланиши умумий тушунчаларнинг турлича талқин этилишига сабаб бўлади. Жиноят процесси фани учун айрим ҳолларда исботлаш предмети элементларини моддий-ҳуқуқ категориялардан алоҳида ёки бу категорияларга ҳавола қилиш орқали кўриб чиқиш хосдир. Бироқ исботлаш предметининг элементлари ва умумий таркибини белгилаш фақат айнан жиноят ҳуқуқнинг асосий категорияларидан фойдаланилгандагина самарали бўлиши мумкин. Ҳолбуки, “процессуал нормаларни қўллашнинг оқибатлари деярли ҳар доим ҳам пировард натижада моддий-ҳуқуқий хусусиятига эга бўлади”².

С.Г.Келина у ёки бу нормани қўлламаслик сабабларини таҳлил қилар экан, кўп ҳолларда “ҳақиқатдан ҳам жиноят” содир этилганлигини, аммо амалиёт ходимлари уни оча олмасликлари ва содир этилганлигини исботлай олмасликларини”³ аниқлади. Ушбу камчиликни бартараф қилиш учун, биринчидан, жиноят-ҳуқуқий норма диспозициясида жиноий қилмишнинг баҳоловчи тушунчалар билан тавсифланиши мантиқан нотўғри, деб топилиши лозим. Иккинчидан, диспозицияда айбдорнинг ўзгарувчан кўрсатмаларига бевосита боғлиқ ва содир этилган қилмишига ички муносабатини тавсифлайдиган белгилар бўлмаслиги керак. Жиноят қонунидаги нормалар диспозициясини ўрганиш шахснинг айби қонунда белгиланган қоидага мос эмаслигини кўрсатди, яъни ЖК 21, 22-моддаларидаги айбнинг шаклини амалда аниқлаш қийин, зеро суд айбдорнинг содир этган қилмишининг оқибатига бўлган ички рухий

¹ Асомутдинов А. Оценка доказательств в уголовном процессе. // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2000, №4. – С.26.

² Флетчер Дж., Наумов А.В. Основные концепции современного уголовного права. – М.: 1998. – С.52.

³ Келина С.Г. Об основаниях и последствиях декриминализации деяний // Сов. государство и право. – 1998, №11. – С.17; Зарипов З.С., Тажиев Т.Т. Жиноят кодексини такомиллаштириш тўғрисида фикр-мулоҳазалар. // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2001, №3. – С.60.

муносабатига тажовузнинг хусусияти, содир этиш усулига қараб баҳо беради. Ваҳоланки, қилмишнинг ташқи объектив белгилари унинг ички мазмунини очиқ беради ва белгилайди. Масалан, Жиноят кодекси 236-моддаси диспозициясида: “Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиб мақсадида судьяга турли шаклда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказиш...”, дейилган. Ушбу диспозициядан айбдорнинг мақсадни аниқлаш ва уни исботлаш ниҳоятда мушкул жараён ҳисобланади.

Кўпчилик тадқиқотчилар муайян қилмиш учун жиноят-ҳуқуқий нормада жавобгарлик назарда тутилган жиноятнинг белгилари аниқ кўрсатилганида, уларнинг мавжудлигини исботлаш мумкин бўлганидагина қонун амалда қўйилган самарани бериши мумкин. Жиноятнинг ҳар бир белгиси диспозицияда шундай ифодаланиши лозимки, унинг мавжудлигини кўп ҳолларда аниқлаш ва исботлаш мумкин бўлсин. Ушбу белгилар диспозицияда:

- а) етрали даражада ишончли бўлиши;
- б) процессуал жиҳатдан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатларда ифодаланиши;
- в) фуқароларнинг ахлоқий, ижтимоий ва миллатлараро ижобий муносабатларига зиён етказмаслиги лозим¹.

Шундай элементларига нисбатан қўйилган ушбу талабларнинг “жиноятни исботлашда анча қийинчилик туғдирадиган ва қатор хусусий ҳатоларга йўл қўйиладиган субъектив томоннинг жиддий вазиятлари”²га нисбатан ҳам қўйилиши табиийдир.

Бинобарин, аксарият жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларидаги номувофиқликлар, жиноят қонунида

¹ Овсянников И.В. О категориях “незаконности и виновности” в уголовно-процессуальном праве // Журнал Российского права. – 1999, №3-4. – С.104.

² Злобин Г.А., Никифоров Б.С. Умысел и его формы. – М.: 1982. – С.247.

жавобгарлик назарда тутилган айрим жиноятларнинг белгиларини ишончли равишда аниқлашда амалиёт имкониятлари ҳисобга олинмаган.

“Жиноят қонуни, ундаги қоидалар фақат жиноят процессуал шаклларда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зиён етказмасдан амалга оширилсагина, самарали бўлиши мумкин”¹.

Фикримизча: 1) жиноят қонунидаги тушунчалар процессуал шакл ва исботлаш ҳуқуқи нуқтаи назаридан аниқ ва қулай бўлиши зарур. Жиноят ҳуқуқида ва қонунни қўллаш амалиётида умумий ва мавҳум тушунчаларни мавжудлиги, исботлаш қийин бўлган жиноят таркибларининг криминализация қилиниши жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига зид бўлиб, салбий натижага, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етиши сабаб бўлади.

2) жиноят ҳуқуқий норманинг диспозициясида жиноят қонунида таъқиқланган қилмиш натижасида етказилган зарар объектив равишда ўлчаш мумкин бўлган миқдорларда батафсил кўрсатилиши даркор. Чунки ижтимоий хавфли оқибат жиноятнинг объектив кўрсаткичи бўлиб, рўй берган оқибатнинг хусусияти ва даражаси кўпинча жиноятнинг квалификациявий белгисини оддий таркиб ва бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқловчи мезон ҳисобланади. Ижтимоий хавфли оқибатнинг аҳамиятига қарамай, қонунда жиноят оқибатлари қонунчилик техникаси қоидалари бузилган ҳолда баён қилинган². Амалда жиноят туфайли етказилган зарар миқдорининг кўплиги тажовузнинг мустақил қилмиш сифатида кўриб чиқилишига асос бўлиши мумкин. Бунда жиноий тажовузни содир этиш усули оғирлаштирувчи ҳолат даражасида аҳамиятга эга бўлмаслиги ҳам мумкин, чунки етказилган зарарнинг ҳажми ўзгармайди. Шу боис ҳам моддий, ҳам жисмоний зарар етказилиши назарда тутилган ўзганинг мулкини

¹ Кондратов П.Е. Система права и проблемы совершенствования уголовного законодательства. // В сб.: Актуальные вопросы реформирования уголовного законодательства. – Тарту, 1989. – С.21.

² Файзиев М.М. Янги қонунларни тайёрлаш тўғрисида қонун. // Ҳуқуқ-Право-Law. –1998, №1. – С.57; Пўлатов Б.Х. Қонун ҳужжатларини тайёрлашнинг амалий муаммолари / Инсон манфаатлари: қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муаммолари (илмий-амалий анжуман материаллари). – Т.: 1998. – С.61; Нарбутаев Э.Х. Общественное мнение и совершенствование законодательства / Конституция ва инсон манфаатлари. – Т.: 1997. – Б.177.

зўрлик ишлатиб талон-тарож қилиш (ЖК 166-м.) босқинчилик (ЖК 164-м.) каби икки объектли нормаларни шакллантиришдан воз кечиш мақсадга мувофиқ. “Бундай ҳолларда шахснинг қилмишини ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш ёки босқинчилик ва ЖКнинг баданга шикаст етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддалари билан жиноятлар жами бўйича квалификация қилиш тўғри бўлар эди”¹.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, бундай талабларнинг қатъий ва изчил бажарилиши қонунчилик техникаси, умуман, қонун ижодкорлиги нуқтаи назаридан мукамал, сифатли ва самарали қонун қабул қилишга кўмаклашади, дейиш мумкин. Юқоридаги талаблардан бирининг бажарилмаслиги ёки бирининг ҳисобига иккинчисига ҳаддан ташқари берилиш техник жиҳатдан қонуннинг мукамал эмаслиги ва қонун ижодкорлари малакасининг пастлигидан далолат беради.

Айниқса, ҳуқуқий материални баён этиш усули қонунчилик техникасида катта аҳамиятга эга. Шундай экан ҳуқуқий нормадаги диспозицияда қилмиш шундай таърифланиши керакки, токи унинг икки хил маънода талқин этилиши мумкин бўлмасин, матндаги кўрсатманинг маъноси ва талабини тушуниш осон бўлсин.

¹ Якубов А.С., Матлюбов Б. Совокупность преступлений и её виды. // Хуқуқ-Право-Law. – 2002, №2. – С.36.

2 БОБ. ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МУАММОЛАРИ

2.1. Жиноий жавобгарликка тортишнинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти

Жиноий жазо қўллаш билан боғлиқ бўлган жавобгарлик эса қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳамда тайинланган жазо тури ва жазонинг ўталган қисмининг муддатлари билан боғлиқ ҳолда судланганлик муддати келиб чиқиши билан боғлиқдир. Жазо қўллаш билан боғлиқ бўлган жавобгарлик анча оғир бўлиб, бундай қилмишни баҳолашда қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, жиноят натижасида етказилган зарарнинг миқдори ва айбдорнинг шахси ҳисобга олинади.

Республикамизда жазо тизimini такомиллаштириш, жиноий жавобгарликни дифференция қилиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун репрессив жазо чораларини қисқартиришга қаратилган сиёсат баъзи бир тўсиқларга, тушунмовчиликларга сабаб бўлаётганлиги сир эмас. Ўтказилган социологик тадқиқотлар иштирок этган 100 нафар судьяларнинг бир қисми репрессияни кучайтириш тарафдори эканлиги ушбу фикримизнинг тасдиғидир. Жумладан, уларнинг ҳар бешинчиси (20%) кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Давлат томонидан жиноят-ҳуқуқий соҳада олиб борилаётган сиёсатнинг моҳиятини тушунмаслик, табиийки, уларнинг қонунни қўллаш фаолиятида ҳам акс этади. Аслида, жиноий жазолар муддатининг қонунда белгиланган чегараси анча кенг, бу эса судга жазо тайинлаш вақтида қилмиш, айбдорнинг шахсини ҳисобга олиб, одил жазо тайинлаш имконини беради. Озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазонинг самарадорлиги ушбу жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти ҳамда маҳкумлар устидан самарали назоратнинг амалга оширилишини таъминлаш билан чекланмай, балки ташкилий ва услубий соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш билан ҳам боғлиқдир¹.

¹ Куликов А.И. К вопросу об эффективности исполнения наказаний без лишения свободы. // Ж. Юстиция, №1. 2006. – С.77.

Бизнинг фикримизча, репрессив, яъни озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо чоралари камроқ тайинланмоғи зарур, чунки “жазони ижро этиш жойларига юборилган маҳкумлар қайта тарбияланиш ўрнига, жиноят оламининг барча қонун-қоидаларини ўзлаштириб, “профессионал” жиноятчиларга айланмоқдалар”¹.

Сўнгги йилларда суд амалиётида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо чораларининг сезиларли даражада камайганлиги кузатилмоқда. Хусусан, ушбу фикримиз исботини Фарғона вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, мазкур вилоятда 2007 йилнинг дастлабки олти ойида айблов ҳукми чиқарилган 2136 шахснинг 540 нафари (25,5%)га озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинланган. Ушбу кўрсаткич ўтган йилининг шу даврига нисбатан 4,8%га кам. 1596 (74,8%) судланувчиларга нисбатан эса, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган².

Республикамызда жиноий жазолар либераллаштирилгунга қадар, яъни 2000 йилда 31 мингдан ортиқ ёки ҳар иккинчи маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, 2007 йилда жиноят содир этганларнинг 70%га жазони жамият ва оиладан ажралмаган ҳолда ўташ имкони берилди³.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасига назар соладиган бўлсак, уларда ҳам ушбу жазо чораси кам қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, Япония, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Швейцарияда: 1) келишув ёки ярашув; 2) гаров эҳтиёт чораси; 3) молиявий жазо чоралари кўпроқ қўлланилмоқда. Шу билан бирга ривожланган давлатларда биринчи марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо чораси, камдан-кам ҳолларда қўлланилади⁴.

Жиноят кодекси Умумий қисми институтларида жазо тайинлашда фақат содир этилган жиноят ҳамда айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилигини

¹ Оқилов О. Жиноятга оид қонунларни либераллаштиришнинг моҳияти. // Ж. Қонун ҳимоясида. 2005 йил сентябр. №09(117). – Б.36.

² Холмаҳматов А. Либераллаштириш – истиклол меvasи. // Инсон ва қонун. 2007 йил 21 август. – Б.18.

³ Кадыров Р. Защита прав и свобод граждан главная цель судебно-правовых реформ// Фукаролик жамияти. - 2008. -№2(14). –С. 44.

⁴ Оқилов О. Жиноятга оид қонунларни либераллаштиришнинг моҳияти. // Ж. Қонун ҳимоясида. 2005 йил сентябр. №09(117). – Б.36.

ҳисобга олиш талаби қўйилган. Албатта, қонунни қўллашда мавжуд бўлган камчиликларни ҳозирга қадар ҳам республикада жиноятчиликка қарши кураш концепциясининг мавжуд эмаслиги жиноят қонуни нормаларининг мукамал эмаслиги билан изоҳлаш мумкин, аммо ижтимоий муносабатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий хавфли тажовузлардан асраш функцияни жиноят қонуни бажаради, аммо жиноят-ҳуқуқий нормаларини амалда қўллашнинг қулай механизмлари бўлмаса, қонун шахс ва жамиятни ҳимояга қилишга қодир бўлмайди. Бундай механизм ролини Жиноят-процессуал қонуни бажаради, “баъзан жиноят қонунини қўллашда кутилган самарага эришмаслик, уни амалда қўллаш усуллари, воситаларининг мукамал эмаслиги, процессуал тартибларнинг жуда мураккаб эканлиги”¹ билан изоҳланади.

Умуман, жиноятчиликка қарши кураш сиёсати инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлигидан келиб чиқиши лозим. 2001 йил 29 август Мустақил Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жиноят тушунчаси, жиноятлар таснифи уларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасини ҳисобга олиб дифференциация қилинганлиги алоҳида аҳамиятга эга. ЖК 15-моддасида: “Жиноятлар хусусияти ва ижтимоий хавфлилиги даражасига кўра: ижтимоий хавфи ката бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади”.

Жиноятларни бундай таснифлаш, уларнинг ижтимоий хавфлилиги, яъни жиноят туфайли жамиятга етказилган зарар (зиён)га қараб амалга оширилган. Бинобарин, Жиноят кодекси ҳам жазо масаласига айна шу таснифлаш асосида ёндашади, десак, асло янглишмаган бўламиз².

Шуни ҳам назарда тутиш жоизки, одил судлов принципларининг ягоналиги процесснинг табақалашган шакли жиноятчиликка қарши курашда жиноят-процессуал воситалардан оқилона ва мақбул даражада фойдаланишни кафолатлайди. Бунинг сабаби шундаки, ижтимоий хавфи ката бўлмаган жиноят

¹ Пашкевич П.Ф. Процессуальный закон и эффективность уголовного судопроизводства. – М.: 1985. – С.39.

² Муҳитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун ва шакл. – Т.: Адолат, 2002. – Б.231.

ишлари бўйича, моҳиятига кўра, оддий, унча мураккаб бўлмаган процессуал қоидаларнинг қўлланилишига йўл қўйилади. Бу мантиқан тўғри бўлиб, “айнан процессуал нормалар орқали давлат шахс томонидан жиноят содир этилганлиги фактини қайд этиб, унда айбдор бўлган шахсни муҳокама қилиб ва жазолаб, жиноят қонунини қандай ижро этаётганлигини аниқлаш”¹ мумкин бўлади. Шундай қилиб, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида юқорида эслатиб ўтилган механизмни муқаррар равишда такомиллаштириб борилиши жиноят қонунининг айрим институтлари ўзгартирилишини тақозо этади.

Айниқса, ЖПКдаги нормаларнинг тузилиши (айримларини истисно қилганда) моҳиятан жиноят процесси вазифаларини такрорлайди ёки улар шаклининг салгина ўзгартирилган кўринишидир. Демак, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик ва инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш жиноят процессининг методлари, яъни жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорни фош этиш ва жиноят қонунидаги таъқиқни бузган ҳар қандай шахснинг адолатли жазоланиши, шунингдек айбсиз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслиги ва жазога ҳукм қилинмаслиги орқали амалга оширилади. Ушбу мақсадга қонуннинг тўғри қўлланилишини таъминлаш орқали эришилиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, амалдаги Жиноят процессуал қонунидаги жиноят судлов ишларини юритиш вазифалари моддий ҳуқуқ тушунчасига таянади ва ЖК вазифаларини тўлиқ ифодаламаган қонун чиқарувчи орган фикрининг мантикий яқуни ҳисобланади.

Б.Е.Протасов нормалар шахснинг ҳуқ-атвориға, айнан ҳимоя қилувчи ҳуқуқий муносабатларға хавф туғдириши мумкин бўлган қилмишдан ҳимоя қилувчи таъсир кўрсатади. Ҳимоя қилувчи ҳуқуқий муносабат вужудға келар экан, у жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларни ҳам аниқ ҳимоя қилиши керак. Шунинг учун назарияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ҳуқуқий

¹ Флетчер Дж., Наумов А.В. Основные концепции современного уголовного права. – М.: 1998. - С.30.

алоқаларни муҳофаза қилувчи атамаси ўрнига ҳимоя қилувчи, деб аташ тўғрироқ бўлар эди”¹, дейди.

Биз (жиноят-ҳуқуқий) моддий муносабатлар регулятив (тартибга солувчи) табиатга эга, деган нуқтаи назарга қўшиламиз, чунки “етказилган зарарни қоплашга мажбурияти ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбурияти эмас, зеро, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд ёки бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади”², бироқ етказилган зарарни қоплаш мажбурияти пайдо бўлиши билан бир вақтда давлатда зарар кўрган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбурияти вужудга келади. Бу, айниқса, жиноят содир қилган шахсга нисбатан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларда яққолроқ намоён бўлади.

Маълумки, муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатлар доирасида вужудга келадиган ва мавжуд бўладиган жиноий жавобгарлик, жиноят содир этилиши билан пайдо бўлади. Жиноий жавобгарликнинг вужудга келиши вақтига доир масалалар юридик адабиётларда анча ўрганилган. Э.Х.Нарбўтаев жиноий жавобгарлик жиноят содир этилган вақтдаёқ юзага келишини³ билдиради. Биз ҳам юқоридаги фикрга қўшиламиз, аммо жиноят-ҳуқуқий муносабатлар вужудга келган вақт ва жавобгарликни амалга оширишнинг бошланиш вақти мос келмайди. Чунки жиноий жавобгарлик, уни вужудга келтирувчи юридик ҳолат(жиноят) содир этилганидан то шахснинг суд ҳукмига биноан айбдор, деб тан олинishi ва унга жиноий жазо тайинланиши билан боғлиқ салбий оқибатлар йиғиндисидир. Шу боис жиноят-ҳуқуқий муносабатлар ҳар доим жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар билан узвий боғлиқ бўлади, яъни содир этилган жиноят фош этилмаса, жиноят-ҳуқуқий муносабатлар амалга ошмай қолиши мумкин. Зеро, жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг амалга оширилиши жиноят ишининг барча ҳолатлари ўрганилганлиги, жиноятнинг очилганлиги, айбдорнинг жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва

¹ Протасов Б.М. Основы общеправовой процессуальной теории. – М.: 1991. – С.114.

² Горшев Б.М. Способы и организационные формы правового регулирования в социалистическом обществе. – М.: 1972. – С.62.

³ Нарбутаев Э.Х. Уголовная политика: исходные критерии построения // Ҳуқуқ-Право-Law. 2004. №1. – С.75.

жазоланганлиги, ижтимоий учун хавфнинг бартараф этилганлиги, жабрланувчининг бузилган ҳуқуқлари (шаъни, кадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва ҳ.к.) тикланганлиги ва моддий зарар қопланганлигини билдиради.

Жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг амалга оширилиши бир вақтнинг ўзида давлатнинг қонунни бузган, яъни, айбдор зиммасига қонунда назарда тутилган салбий оқибатни юклаш йўли билан уни жазолаш орқали ўз ҳуқуқи (мажбурияти)нинг амалга оширилганлигини англатади.

Демак, моҳиятига кўра, моддий ва процессуал ҳуқуқ ўзаро алоқадор ва процессуал ҳуқуқ моддий ҳуқуқнинг ҳосиласидир, деган фикрлар хато эмас, А.С.Якубов “улар турли вақтда келиб чиқиши билан боғлиқ ва ўзгача амалий маъно касб этади, шубҳасиз, фақат жиноят-ҳуқуқий муносабатлар ва жиноий жавобгарликнинг вужудга келиши, унинг амалга оширилиши ва тугалланиш вақтини аниқ белгилаш билан эмас, балки ундан ҳосил бўлган жиноят-процессуал муносабат ҳосиласи билан белгиланади”¹ деган фикрни билдирган.

Бизнингча, мазкур фикрга жиддий тузатиш киритиш зарур, чунки биринчидан, жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессининг алоқадорлигини баҳолаш фақат процессуал ҳуқуқнинг моддий ҳуқуқдан, ҳатто, бевосита эмас, балки бир қатор оралиқ бўғинлар орқали ҳосила эканлигини тан олиш нуқтаи назаридан ёндашилганида ҳам пировардида моддий ва процессуал ҳуқуқнинг тегишли тармоқлари ўртасидаги генетик алоқалар мавжудлигини тан олиш зарур.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ҳосила” сўзи “бошқасидан пайдо бўлган”² деган маънони билдиради ва унга бошқача изоҳ берилмаган. Агар тил, айниқса, илмий-назарий тил, осонгина буйсунадиган қайд этиш воситаси³ эмас, қуроли деб қаралса, моддий ва процессуал ҳуқуқ

¹ Якубов А.С. Современное понимание уголовной ответственности и ее оснований // Ж. Хуқуқ-Право-Law. – 2002, №1. – С.47.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Русский язык, 1987. – С.497.

³ Стермик И., Абдумажидов Г., Алимджанов Б., Инагамов Ш. Язык УПК нуждается в совершенствовании / В кн.: Совершенствование законодательства о борьбе с преступностью. – Т.: 1982. – С.137.

тармоқларининг алоқадорлигига таъриф беришда “ҳосила” атамасининг учун қўлланилиши нафақат ноаниқ, балки нотўғри ҳамдир. Акс ҳолда процессуал нормаларнинг пайдо бўлиши сабаблари, заруратини тегишли моддий-ҳуқуқий тармоқдан излаш зарур бўлади.

Фикримизча, моддий ва процессуал ҳуқуқ тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабат ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатга ўхшайди. Ижтимоий муносабатлар инсоннинг жамиятда яшаши, фаолият юритишини ташкил этиш ва тартибга солиш учун зарур бўлган жамият тараққиётининг объектив қонуниятидир. Процесс – бу “моддий ҳуқуқ амалда усиз яшайолмайдиган, воқелик” эмас, балки, жиноят-ҳуқуқий нормалардек, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ташкил этиш воситаси ҳамдир¹.

Шу боис биз жиноят процессининг табиатини муҳофаза қилувчи муносабатлар билан боғловчи олимлар²нинг фикрига қўшилмаймиз. Ижтимоий муносабатлар тартибга солинмаса, бузилса уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш зарурати вужудга келади. Тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи муносабатларнинг манбаи юридик соҳа дирасига кирмайди. Ижтимоий муносабатларни амалга оширишнинг муайян тартиби бўлиши лозим. Жиноят қонуни ва жиноят процессуал қонуни нормалари ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини тартибга солади”³ ва демакки процессуал ҳуқуқ моддий ҳуқуқнинг ҳосиласи эмас. .

Бу, С.А.Колосков ва Н.А.Кузнецовалар фикрича, кўрсатиб ўтилган тармоқлар ўртасида сабаб-оқибат алоқадорлигининг мавжудлигини эътироф этиш хориж ва миллий-ҳуқуқий тизимлардаги моддий ва процессуал тармоқларнинг ривожланишида ўз исботини тополмаган⁴.

Бошқача айтганда аслида, моддий ва процессуал ҳуқуқ тармоқлари субстанциядир ва уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шундай экан бир

¹ Мотовиловер Е.Я. Теория регулятивного и охранительного права. – Воронеж: 1990. – С.106.

² Протасов В.Н. Кўрсатилган асар. – С.62-90.

³ Мухитдинов Ф. Жиноят процессининг моҳияти: назария ва амалиёт муаммолари. // Қонун ҳимоясида. – 2002. №9-10. – Б.16-18.

⁴ Колосков С.А., Кузнецова Н.А. Соотношение уголовно – процессуального и уголовного права // Государство и право. 1996. - №2. – С.77.

ҳуқуқ тармоғининг бошқасидан устунлигини исботлаш зарурати йўқ. Масалан, собиқ иттифоқ даврида жиноят ва жиноят-процессуал қонунларига киритилган ўзгартиришлар кўпинча сабаб-оқибат хусусиятига эга бўлмас эди. Жумладан, 1963 йилда айрим оғир турдаги жиноятлар бўйича дастлабки тергов олиб бориш ваколатининг ички ишлар органларига берилганлиги, ўша вақтда жиноят қонунига янгилик киритилганлиги натижаси эмас, балки бу юридик соҳага алоқадор бўлган омилларнинг таъсирида бўлган. И.Л.Петрухин “ушбу янгилик ўша даврдаги жиноят қонунининг талаби бўлган, деб тушинтиришга уриниш мантиқан тўғри эмас”¹, дейди.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз жиноят-процессуал ҳуқуқи фанининг ривожланиши: 1) суд иш юритувида ҳимояланувчи вакилининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини такомиллаштириш; 2) шахс ҳуқуқ ва манфаатларининг халқаро ҳуқуқ стандартларига мос равишда ҳимояланиши; халқаро амалиёт ва миллий қонунни қўллаш амалиётини мувофиқлаштириш; 3) процессуал шакллар дифференциясини чуқурлаштириш каби уч йўналишда олиб борилди². Жиноят процессуал ҳуқуқи ривожланишининг биринчи ва иккинчи йўналиши жиноят ҳуқуқи институтларининг ривожини билан узвий боғлиқдир. Процессуал шаклларнинг дифференцияси йўналишига, бир қарашда, тегишли жиноят-ҳуқуқий квалификациянинг моддий белгиси бўлгандек туюлади.

Чунки процессуал фаолиятга кирувчи қилмишни квалификация қилиш жиноят процесси предмети белгилашга таъсир қилмайди, аксинча, бу билимлар айбланувчининг жиноий жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш имконини беради. Ҳолбуки, айрим муаллифлар “айблов суд тадқиқотининг асосий ва ягона предмети ташкил этади”³ ва жиноят процессининг объекти, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг жиноий жавобгарлиги, яъни айбланувчининг содир этган жинояти учун жазони ўташ мажбурияти ҳисобланади, деб ҳисоблайдилар.

¹ Петрухин И.Л. Судебная власть и расследование преступлений. // Государство и право. 1993. - №7. – С.85.

² Пулатов Ю.С., Иногамов Ш. Дифференциация. // Қонун ҳимоясида. 2002. - №6. – Б.31-32.

³ Мотовиловер Е.Я. Уголовно-правовые и процессуальные гарантии защиты конституционных прав граждан / Межвузовский тематический сборник. – Калинин: 1980. – С.100.

Л.В.Головко “жиноий жавобгарликка тортилган шахс” тушунчасидаги фарққа эътибор бериш ўринлидир, унинг кенг маънода қабул қилинишини процесснинг айблов ҳукми чиқарилганидан кейин жиноий жавобгарликдан озод қилиш босқичлари билан боғлиқлик ҳолда тушунтириш мумкин¹. Шу боис “жавобгарлик” ва “айблов” тушунчалари ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш алоҳида долзарб масала ҳисобланади. Ушбу масала нафақат назарий, балки жиноий жавобгарликка тортиш, процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ва жиноят судлов ишларини юритиш шакллари танлашда ҳам амалий аҳамиятга эга, зеро, айрим шахсларнинг иродаси ва ихтиёрига қарамай, жиноий жавобгарликнинг моддий-ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтиради ва процессуал мажбурлов жиноят-процессуал шаклларда амалга оширилади². Бундай процессуал воситаларнинг хусусияти қонунни қўллаш фаолиятининг предмети ҳисобланган моддий-ҳуқуқий муносабатларга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, агар процессуал фаолиятнинг асосий вазифаси моддий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусияти ва зарур ҳолларда, уларнинг мажбуран жорий этилишини аниқлаш ҳисобланса, у ҳолда бундай фаолиятнинг асосий хусусияти қонунда белгиланган мажбурлов чораларини қўллаш имкониятидир.

3.3.Зинатулин қонундаги мажбурловнинг:

1) давлат мажбурловининг ҳажми ва доираларини қатъий тартибга солиши, белгиланган юридик санкцияларнинг мутлақ муайянлигини талаб қилмайдиган аниқ ҳолатларга боғлиқ эканлиги;

2) жиноий жавобгарлик асослари давлатнинг мажбурлов чораларини, хусусан, жавобгарликнинг ва аввало, айб учун жавобгарлик принципини қўллашни норматив тартибда белгилаш;

3) шахсни ва унинг Конституцияда мустақамланган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи давлат мажбурлов чораларини қўллаш қоидаларини қатъий тартибга солиши, жумладан, айбсизлик презумпцияси,

¹ Шейфер С.А. Правовая регламентация следственных действий в новом УПК РФ. // Государство и право. - 2000. №6.-С.48.

² Головко Л.В. Освобождение от уголовной ответственности и освобождение от уголовного преследования: соотношение понятий // Государство и право. - 2000. - № 6. – С. 48.

янги, жазо назарда тутилган қонуннинг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги каби қатор низоҳатда жиддий белгиларини кўрсатган.

Умуман ҳуқуқий мажбурлов белгиларининг тўғрилигини жиноят ва унинг оқибати бўлган жавобгарлик билан боғлаш мажбурловнинг моддий-ҳуқуқий категория сифатидаги хусусиятни чеклайди¹.

Давлат органларининг мавжуд мажбурлов чоралари ва амалда ҳукмрон бўлиши тақозо этилувчи жиноят-процессуал шакл, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахснинг айбини аниқлаш, жиноий жавобгарлик қилиш билан белгиланади. Жиноят процессининг барча тизимлари ҳаракатга келтирилганидагина давлат номидан мажбурлов чораларини қўллаш, мумкин бўлади, аксинча, агар моддий ва процессуал ҳуқуқ институтлари ўртасида алоқадорлик бўлмаса, давлат мажбурловининг ўзига хос хусусиятига кўра ҳам, “давлат номидан чиқариладиган ҳукм ҳуқуқбузарни айбдор деб топиш, унга аниқ жазо чорасини тайинлаш ва уни ижро этишда намоён бўлади”².

Башарти, қандайдир процессуал мазмундаги аралаш моддий-ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлса, моддий мазмундаги нормалар ҳам айнан шундай аралаш бўлади³. Демак, алоҳида олинган жиноят-ҳуқуқий институтлар (ЖК 12-, 15-, 51-моддалари) процессуал ҳуқуқ институтларининг (ЖПК 8-, 9-, 243-245-моддалари) таркибий қисми бўлиб, процессуал ҳуқуқнинг шаклланишига таъсир кўрсатади, бошқалари (ЖК 26-, 27-, 31-, 37-41-моддалари) эса уларнинг процессуал институтлар орқали исботланишини билдиради. Ушбу фикр шаклига кўра моддий ва процессуал ҳуқуқ институтларининг боғлиқ ва ўзаро алоқадорлигини кўрсатади. Хусусан, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, иштирокчилик, зарурий муҳофаа, охириги зарурат тўғрисидаги материаллар таҳлил қилиниб, шахс содир этган қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар тўғрисида фикр юритиш мумкин. Бунда процессуал жиҳатнинг устунлиги кўзга яққол ташланади. ЖПК 61-боби билан тартибга солинган тиббий йўсиндаги

¹ Зинатуллин З.З. Уголовно-процессуальное принуждение и его эффективность. – Казань: 1981. – С.165.

² Исламов З. Общество. Государство. Право. – Т.: Адолат, 2001. – С.677.

³ Флетчер Дж., Наумов А.В. Основные концепции современного уголовного права. – М.: 1998. - С.62.

мажбурлов чораларининг процессуал хусусияти шундаки, улар ЖК 67-моддасига биноан, суд қарори чиқарилганидан кейин амалда ижро этилади. Шубҳасиз, аҳамияти бўйича иккиламчи бўлган процессуал ҳуқуқ нормаларининг жорий этилиши тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарурлигининг жиноят қонунида белгиланишига бевосита боғлиқдир. Зотан, “Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш шаклининг ягона мезони – ижтимоий хавфли ҳаракат содир этган шахснинг руҳий касал эканлигидир”¹.

Айни пайтда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари моҳиятан ва ташқи белгиларига кўра боғлиқ эканлигини ЖК 66-моддаси шарҳида ҳам исботлайди, чунки ЖК 66-моддасига мувофиқ шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишда ҳуқуқий ва процессуал категорияларга таянилади. Бошқача айтганда, айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини кўрсатувчи ташқи белги жиноятни очишга фаол ёрдамлашгани ҳисобланади ва бу белги жиноят содир этган ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантиради². Лекин, гумон қилинаётган (айбланаётган) шахслар томонидан жиноятни очишга кўмаклашини чин кўнгилдан пушаймон бўлиш дейиш мумкинми? Муайян шахснинг процессуал ҳаракатини қандай баҳолаш, бундай ҳаракатнинг ихтиёрий равишда ёки давлат мажбурлови таъсирида бўлишганлигига қараб аниқланади³.

И.Л.Петрухин гумон қилинувчи, айбланувчи ёки уларнинг яқин қариндошларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи процессуал ҳаракатларни процессуал мажбурлов чоралар қаторига киритиш мумкин эмаслигини таъкидлайди. Демак, одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, безориликка оид ишлар бўйича гумон қилинувчи ва айбланувчилар баданидаги жабрланувчининг жиноий фаоллигини кўрсатувчи, қилмишнинг зарурий мудофаа ҳолатида содир этилганини исботловчи шикаст, жароҳат изларининг аниқланишидан кўпинча манфаатдор бўладилар.

¹ Муҳитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун ва шакл. – Т.: Адолат, 2002. – Б.235.

² Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т.: Илм зиё, 2006. – Б.465-466.

³ Бабаев В.К. Правомерное поведение. Правонарушение. – В кн.: Общая теория права. Курс лекций. – Н.Новгород: 1993. – С.430.

Бундай ҳолатда гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш процессуал мажбурлов чораси ҳисобланмайди, чунки у гумон қилинувчи ва айбланувчининг иродасига ҳилоф равишда эмас, балки уларнинг хоҳишига биноан ўтказилади. Бунинг устига, ҳатто, ушлаб туриш ва эҳтиёт чорасини танлаш, муаллифнинг фикрича, ҳар доим ҳам айбланувчи (гумон қилинувчи)га нисбатан мажбурлов чорасини қўллаш ҳисобламайди. Хусусан, айбини бўйнига олиб келиш тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, унда шахс қилмишига пушаймонлиги туфайли ўзининг ҳибсга олинишини билиб, онгли равишда ўз айбини ювишни истайди. Асосий далилларни йиғишда процессуал мажбуриятнинг ташувчиси сифатида ишга жалб этилган, фуқарога нисбатан амалга ошириладиган айнан бир хил процессуал ҳаракатларга, ушбу субъектнинг хоҳиши ва манфаатларига мос келувчи ҳаракат ёки процессуал мажбурлов чоралари, деб қараш керак. Иродани эркин намоён қилиш соҳасидан процессуал мажбурловни ажратиш мезонлари бўлиб, у ёки бу ҳаракатнинг асоссиз мажбурлов хусусиятига эга эканлиги эмас, балки фуқаронинг жиноят ишини юритиш учун маъсул бўлган мансабдор шахс билан процессуал ҳуқуқий муносабат орқали ўзига юклатилган мажбуриятга бўлган руҳий муносабати ҳисобланади. Шу боис фуқаро ўзига юклатилган мажбуриятни бажара олса, уни ўзининг ижтимоий бурчи деб қабул қилса, мажбурлов чораси қўлланилмайди. Агар у ўзига юклатилган мажбуриятни бажаришга қаршилиқ кўрсатса, уни бажариш малол келса, мажбуриятни руҳий ёки жисмоний зўрлик таъсирида ижро этса, демак мажбурлаш яққол кўзга ташланади¹.

Мазкур қонданинг танқидий таҳлили, қўшилишимиз қийин бўлган бир қатор муаммолар борлигини кўрсатади. Биринчидан, И.Л. Петрухин гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ҳуқуқларига эмас, балки фақат процессуал мажбуриятларига бир неча бор тўхталади. Юридик адабиётларда жиноят-процессуал ҳуқуқи нормаларининг ҳуқуқий мажбурият юқловчи нормалари субъектнинг процессуал ҳуқуқлари, жиноят-процессуал қонунида белгиланган

¹ Петрухин И.Л. Свобода личности и уголовно-процессуальное принуждение. – М.: 1985. – С.48-49. Коврега З.Ф. Уголовно-процессуальное принуждение. – Воронеж: 1975. – С.548.

шакллар ва доираларда амал қилиши фақат унинг мажбуриятлари билан уйғун келган тақдирда амалга оширилиши мумкинлигида ифодаланади, аммо жиноят ишлари бўйича судни юритувчи субъектининг ҳар қандай процессуал ҳуқуқи бошқа субъектнинг (корреспондентга оид) мажбурияти билан таъминланиши кўрсатилган.

Иккинчидан, юқорида номи зикр этилган олим гумон қилинаётган (айбланаётган) шахсга нисбатан руҳий ёки жисмоний зўрликнинг қўлланишига муносабати аниқ-равшан гумон қилинаётган (айбдор)га руҳий ёки жисмоний зўрлик ишлатиши қонунийлик принципининг бузилишидир.

Бошқача айтганда, гумон қилинувчи (айбланувчи) (бизнингча, агар асосий шарти ихтиёрийлик бўлса) жиноятнинг янада тезроқ очилишига ёрдам берувчи қонуний ҳаракатларни фаолроқ амалга ошириши мумкин. Зеро, қонун чиқарувчи томонидан ЖК Махсус қисмининг бир қатор нормаларида муайян шахснинг қонуний ҳуқ-атвори жиноятларнинг очилишига фаол кўмаклашиши рағбатлантирилади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг процессуал шакллари ва уларнинг айбсизлик презумпцияси билан ўзаро муносабатига оид жиддий муаммолар ҳали ҳам ечимини топгани йўқ. Жиноят процессуал қонуни, 2- ва 9-моддаларида жиноий жавобгарликка тортишнинг назарда тутилганлигининг ўзи бу тушунчанинг моҳиятини очиб бермайди. Бу эса, ўз навбатида, жавобгарликка тортиш шахсни айбланувчи сифатида жавобгарликка жалб қилиш акти билан ўхшашлигини маъқуллаш билан боғлиқ зиддиятни вужудга келтиради. Чунки шахс айбланувчи сифатида жалб қилинганидан кейин маълум муддатга чўзиладиган жиноий жавобгарликка тортиш бошланади. Айбланувчини айбдор, деб топиш ва унга адолатли жазо тайинлаш фақат суднинг ваколати ҳисобланади. А.С.Якубовнинг “субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, яъни жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг юридик мазмуни жиноят содир этилган вақтдан бошлаб вужудга келади. Субъектларнинг жиноят содир этилган вақтда вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг моддий, аниқ татбиқ этилишига келсак, улар секин-аста, босқичма-босқич, процессуал

фаолиятни амалга ошириш жараёнида рўёбга чиқарилади”¹, деган мулоҳазаси биз юқорида айтган фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Айрим олимлар², жиноий жавобгарлик жиноят содир этилиши билан вужудга келади, деб ҳисоблайдилар. Н.С.Лейкинанинг фикрича, шахсни жиноий жавобгарликка жалб қилиш: а) жиноий жавобгарликка тортиш босқичи; б) суд томонидан жазо тайинлаш босқичи; в) жазони ижро этиш босқичи³дан иборат бўлади. С.Н.Братус, “жиноий жавобгарлик суд томонидан тайинланган жазони ўташ билан бошланади”⁴, дейди. Энди тасаввур қилинг, мурда топилган, бироқ айбдор ҳам, жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилганлиги ҳам номаълум. Бу жиноятни квалификация қилиш учун қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларини ўрганиш зарурдир. Жиноятчи ва айбнинг шакли аниқ бўлмагани жиноий жавобгарлик хусусида сўз бориши ҳам мумкин эмаслиги Ю.М. Ткачевский ва И.М. Тяжкова⁵лар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган.

Биз ҳам жиноий жавобгарлик: а) жиноят содир этишда айбдор, деб топилган шахсина жиноий жавобгарликка тортилади; б) ҳеч ким суднинг ҳукмисиз жиноят содир этишда айбдор, деб топилиши ҳамда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас⁶, деган фикрни маъқуллаймиз ЖК 230-моддаси матнининг унда назарда тутилган суриштирувчи, терговчи ёки прокурор айбсизлиги аён бўлган шахсни айбланувчи сифатида ишга жалб этиши шубҳасиз, процесснинг судгача бўлган босқичида бўлишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 64-моддасида жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун

¹ Якубов А.С. Современное понимание уголовной ответственности и ее оснований // Хуқуқ-Право-Law. – 2002, №1. – С.48.

² Масалан, Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. – М., 1997. – С.168-173; Курс уголовного права. Общая часть. Т.2. – М. – С.11.

³ Лейкина Н.С. Личность преступника и уголовная ответственность. – Л., 1968. – С.35-36.

⁴ Братусь С.Н. Юридическая ответственность и законность. – М., 1976. – С.113.

⁵ Уголовное право России. Общая часть: Учебник. / Под ред. д.ю.н., проф. Н.Ф. Кузнецова и д.ю.н., доц. И.М. Тяжкова. – М.: Зерцало, 2005. – С.118.

⁶ Санталов А.И. Теоретические вопросы уголовной ответственности. – Л.: Изд-во Ленинградского ун-та, 1982. – С.14.

жавобгарликдан озод қилиш шартлари белгиланган. Ж.Флетчер ва А.В.Наумов ушбу тушунча моҳиятини очиб беришар экан, жиноий таъқиб муддатининг ўтиши процессуал нормаларда намоён бўлади. Аммо муддатнинг ўтишига оид моддий норма жиноят содир этган айбдор шахсни таъқиб қилишни процессуал чекловдан бошқа нарса эмас¹, деган фикрни билдирадилар. Агар айбланувчи сифатида жалб қилиш бир вақтнинг ўзида жиноий жавобгарликка тортишни билдирса, у ҳолда қуйидаги зиддият юзага келади: биринчидан, жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши институти бир қатор ишлар бўйича умуман қўлланилмайди; иккинчидан, жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиши институтининг амал қилишини чеклашга бўлган уринишни билдиради.

Бундай зиддиятнинг сабаби амалдаги жиноят қонунида “жиноий жавобгарликка тортиш”нинг маъноси аниқ берилмагани ҳисобланади. “Айбланувчи сифатида жалб қилиш” тушунчаси маълум даражада аниқ ҳисобланиб, ушбу ҳаракатнинг процессуал моҳиятини батафсил очиб беради.

Айбланувчи сифатида жалб қилиш жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг амалга оширилишини билдирадими? деган табиий савол туғилади. “Жиноий жавобгарликка тортиш” тушунчасини жиноят-ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда суднинг айбланувчини муайян жиноятни содир этганликда айбдор эканлиги тўғрисидаги ҳукми қонуний кучга кирган вақтдан жавобгарликнинг келиб чиқиши билан боғлаб қўйиш ҳам унчалик тўғри эмас. Суднинг ҳукми чиқарилгунга қадар, давлат органлари ҳуқуқий муносабатларни ойдинлаштиришга оид юритган бўлса-да, бу ҳали жиноят-ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқишини билдирмайди. Умуман олганда, жиноий қилмишни содир этган шахс аслида дастлабки тергов босқичидаёқ жиноий жавобгарликни ўтай бошлайди, қолаверса, ҳеч бўлмаганда, жавобгарликнинг айбланувчи ҳолати (мақоми) билан боғлиқ чекловчи хусусиятини ҳис қилиб кўриши “жиноий жавобгарлик” тушунчасининг ўзида ётади.

¹ Флетчер Дж., Наумов А.В. Основные концепции современного уголовного права. – М.: 1998. - С.38-39.

Шундай қилиб, айрим ҳуқуқшунослар тўғри эътироф этганларидек, жиноятчиликка қарши кураш соҳасини ислоҳ қилиш, жумладан, жиноят қонунини либераллаштириш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан айниқса, долзарб ҳисобланади, чунончи ушбу қонданинг амалга оширилиши давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги муносабатларида шахснинг дахлсизлигини кафолатлайди, шахс ҳаётий фаолиятнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳаларига давлатнинг асоссиз аралашувидан ҳимоя қилади, шунингдек, давлат, хусусан, унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига инсон, фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини мавжуд барча кучлар, воситалар ва усуллар билан юридик жиҳатдан кафолатлаш мажбуриятини юклайди¹.

¹ Таджиев Б.У. Узбекистан: либерализация и основные направления правовой политики. – Т.: 2002. – С.16-17.

2.2. Жиноий жавобгарликнинг хусусиятига таъсир этувчи омиллар

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилдан амалга киритилган Жиноят-процессуал кодексида жиноят-судлов юритувининг баённома ва хусусий айблов шакллари тугатилиб, Жиноят кодексида назарда тутилган барча жиноятлар бўйича ишлар ягона процессуал шаклда амалга ошириладиган бўлди. Шунга мувофиқ, ҳозирги вақтда ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят ишлари ҳеч бир заруратсиз ва ҳаддан ташқари мураккаб ва узок вақт сарф этиб юритилмоқда. Бу жиноят ишларининг сансалор қилинишига, тергов ва суриштирув органлари кучларининг беҳуда сарфлашига сабаб бўлмоқда.

Шу боис мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотининг асосий ғояси – одил судловнинг ҳақиқатда ҳам одиллигини таъминлаш, суд фаолиятининг самарасини оширишга тезроқ йўналтириш жуда зарурдир”¹.

Бу масала бўйича давлатимиз раҳбари жиноят ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларни кўриб чиқиш зарурати ҳам ҳал этилмаган яна бир муаммо ҳисобланишини кўрсатиб ўтди².

Жумладан, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ЖПКга киритилган ўзгартиришларнинг давр талабларига мос эмаслиги кузатилмоқда. Хусусан, ҳимоячининг судгача бўлган босқичдаги иштирокини кенгайтириш ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида шубҳасиз, шахс процессуал ҳолатининг яхшиланишини таъминлади, процесснинг янада инсонпарварроқ, демократик бўлишига эришиш имконини берди, лекин концептуал жиҳатдан, ҳатто шундай ўзгаришлар бўлганлигига қарамай, тергов ҳануз айблов хусусиятига эгалигича қолмоқда. Гарчи муқобил судлов ишларини юритишнинг жорий этилиши концептуал ўзгариш ҳисобланса-да, бироқ у амалдаги тизимга мос келмайди, терговнинг хусусияти ва мақсади, жиноят иши бўйича ҳукм чиқариш учун

¹ Муҳитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун ва шакл. – Т.: Адолат, 2002. – Б.234.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.47.

тақдим этиладиган талабларга жавоб бермайди. Уларда жиноят қонуни кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга аралашуви доираси аслида чеклаб қўйилган. Шу муносабат билан жиноят қонунини қўллаш ёки қўлламасликни аниқлаш жабрланувчига қандай имконият бериши мумкин? деган ҳақли савол туғилади. Агар ҳар қандай жиноятнинг айрим муайян шахс ва ташкилотлар эмас, балки давлат томонидан ўрнатилган ва кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилишидан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда жабрланувчининг айбдорни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этишга таъсир кўрсатиш ҳуқуқи умумиҷтимоий кадриятларни ҳимоя қилишга ҳалақит бериши мумкин

Жабрланувчига берилган бундай ҳуқуқнинг аҳоли криминаллашуви даражасининг пасайишига, судланганлик каби салбий оқибатларнинг камайишига, яхшилик ва меҳр-мурувват каби инсоний фазилатларнинг намоён қилинишига кўмаклашади. Модомики шундай экан, у ҳолда жабрланувчи билан жиноятчи ўртасидаги низони ҳал қилиш учун ярашув институтидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масаласининг ижобий ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Н.Кристи кўриб ўтилаётган масала хусусида, унинг ҳал этилиши “томонларнинг қандай турдаги тизимга киритилганлиги”га боғлиқлигини кераклигини эътироф этган ҳолда, қуйидаги ҳақли фикрни илгари сурган: “Агар тизим фақат жабрланувчи билан жиноятчидан, иборат бўлса, ҳеч бўлмаганда шу иккиси учун муаммо бўлмайди. Бироқ, тизимга унинг аъзоси сифатида қанчалик кўп одам кирса ва жабрланувчи ҳамда жиноятчи ҷамиятнинг бошқа аъзолари билан қанча кам алоқадор бўлса, ҷамоанинг унга таъсири шунчалик кўп аҳамият касб этади”¹.

Бундай дастлабки ёндашувга асосланиб, қуйидагиларни эътироф этиш мақсадга мувофиқ:

¹ Кристи Н. Пределы наказания. – М.: 1986. – С.170.

а) айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал этишга жабрланувчининг таъсир кўрсатиш ҳуқуқининг моддий-ҳуқуқий жиҳатини кучайтириш;

б) содир этилишига кўра, жабрланувчига юқорида айтиб ўтилган ҳуқуқларнинг берилиши (бу ўринда, биринчи навбатда, ўзганинг мулки ва фуқароларнинг баданига шикаст етказишдан ташқари шахснинг дахлсиз ҳуқуқларига тажовуз қилувчи бошқа жиноятлар тўғрисида сўз юритилмоқда) назарда тутилган жиноятлар билан боғлиқ ҳуқуқлар доирасини кенгайтириш;

в) жиноят-ҳуқуқий ваколатлар таркибига жабрланувчининг ўз шахсий манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш имкониятларини, жиноят-ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик зарурияти тўғрисидаги ишларнинг тури ва ҳажмини аниқлашга доир масалаларни киритиш.

Қонун чиқарувчини айрим қарорлари самарасизлигининг сабаби шундаки, жиноят-ҳуқуқий қоидаларнинг имкониятлари фақат жиноят натижасида бевосита бузилган ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиши нуқтаи назаридан баҳоланади, бу муносабатлардан ташқарида тартибга солинадиган ижобий жиҳатлар ва кўрилган зарар - салбий оқибатлар эса умуман ҳисобга олинмайди.

Шу муносабат билан жиноят қонунининг бир қарашда фақат жиноятни квалификация қилиш, жазо белгилаш, шахсни судланган деб ҳисоблаш имкониятга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Чунки шахсга нисбатан жиноят қонуни нормалари қўлланилганда, у бир қатор қўшимча чекловларга ҳам дучор бўлади. Масалан, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган гумондор шахсни биринчи сўроқ қилиш вақтида ҳимоячининг қатнашиши, В.М.Царевнинг фикрича, “ушланган шахсга нисбатан ғайриқонуний таъсир кўрсатиш ва уни айбни бўйнига олиш учун кўрсатув беришга мажбурлаш ҳолларини бартараф этиши лозим”¹.

¹ Царев В.М. Эффективность участия защитника в доказывании на предварительном следствии. – Красноярск: 1990 – С.48.

Амалиётда ҳали сўроқ бошланмасдан олдин таъсир ўтказиш ҳоллари юз бераётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, гумон қилинувчи руҳий тазйик остида айбни бўйнига олиш тўғрисида кўрсатув беришга мажбур, ҳимоячи эса бунга шубҳа қилмай, тан олиш жараёнида ўзининг иштирокини тасдиқловчи “ҳолис гувоҳ”га айланиб қолмоқда. Мазкур ҳолатда гумон қилинувчи сўроқ қилингунга қадар унга ғайриқонуний таъсир кўрсатилганлиги тўғрисидаги ариза ҳимоячининг иштирок этганлигига асосланиб, инкор этилади, гўё ҳеч қандай таъсир кўрсатилмаган ва гўёки кўрсатув ихтиёрий равишда берилган бўлади. Шу жиҳатдан терговнинг айблов хусусияти ўзгарувчан шароитга мослашади ва тизим ўзининг концептуал тавсифини сақлайди¹.

Айнан шундай ноҳуш вазиятларнинг олдини олиш учун жиноят процесси зарур ҳамда айбловчининг ўзбошимчалиги каби ноқонуний ҳаракатларидан шахсни муҳофаза қилишга хизмат қилади. Жиноят процессининг асосий вазифаси сифатида умумий ва хусусий превенцияни таъминлаш юклаган (ЖПКнинг 2-моддаси). Шу боис жиноят процессининг вазифалари, биринчидан, унинг жиноят ҳуқуқи билан узвий боғлиқлигида ифодаланади ва жиноят процессининг вазифалари жиноят ҳуқуқи нормаларини фақат уларни жиноятчига нисбатан қўллаш йўли билан тўғри жорий этишлишининг кафолати бўлиб хизмат қилишини акс эттириши керак². Иккинчидан, бу фаолиятнинг қонунни қўллаш табиатига ва унинг босқичларини кетма-кет акс эттиришга; объектив воқеиликдаги юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни мос равишда англашга, унга нисбатан жиноят қонуни нормаларини қўллаш ёки уни қўллашдан воз кечиш тартибларининг мувофиқлигини таъминлашга қаратилиши лозим.

Шу билан бирга, Г.Н.Ветрова таъкидлаганидек, “жиноят-ҳуқуқий нормалар механик, автоматик равишда қўлланувчи восита эмас”³.

¹ Тўлаганова Г. Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш. // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2003, №34. – С.54.

² Даев В.Г. Взаимосвязь уголовного права и процесса. – Л.: 1982. – С.48.

³ Ветрова Г.Н. Ответственность в сфере уголовно-процессуальных отношений // Сов. государство и право. 1982. №2.-С.81.

Бу фаолиятнинг ижодий, бошқарув хусусияти қонунни дастлабки босқичда қўллашда воқеликни, фактик ҳолатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив равишда англашда ифодаланади. Фақат шундагина, агар бу ҳолат жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этса, қонунни қўллашнинг сўнгги босқичига ўтиш, яъни тегишли нормани излаб топиш, унинг маъно ва мазмунини аниқлаш ҳамда аниқ қарор қабул қилиниши мумкин бўлади.

Афсуски, амалдаги ЖПКда жиноят процессининг вазифаларини белгилашда бу хусусиятлар ҳисобга олинмаган. Унда жиноят ишлари бўйича судловни юритишнинг вазифалари сифатида, барча тизимга аслида фақат мавжуд жиноятлар тўғрисидаги ахборотни киритиш белгиланган. Фақат жиноят содир этилган тақдирдагина уни “тез ва тўлиқ очиш”, “бутунлай фош этиш” зарур бўлади. Айни пайтда шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, “жамиятнинг жиноятчиликка қарши курашни ҳуқуқи жамиятнинг умумий манфаатларига тажовуз қилувчи ҳаракатларга нисбатан амалга оширилиши мумкин, бу эса “жиноятларни тез ва тўла очиш”, “жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо тайинлаш” каби хусусий ҳуқуқ тушунчасини чегаралаши мумкин. Чунки, жиноят процессидаги диспозитивлик – шахснинг истагига мувофиқ жиноят ишини қўзғатиш ёки уни қўзғатишдан воз кечиш, айбланувчи билан ярашиши туфайли жиноят ишининг тугатилиши кабиларни ўз ичига олади”¹.

Бироқ тенг шароитлар ва ўзга вазиятларда, агар келиб тушган маълумот тасдиқланмаса, ёки фактик ҳолатлар бошқача, жиноий жазоланмайдиган хусусият касб этган тақдирда, уларни ҳисобга олмай туриб, жиноят ҳуқуқи нормаларини тўғри қўллашнинг иложи бўлмайди. Тизим бундай тусдаги ахборотга жавоб қайтариши лозимми ва ушбу вазиятларда унинг вазифаларини кўрсатиш талаб этиладими? деган савол туғилади. Бизнингча, жиноят-ҳуқуқий тизимнинг янгича йўналишида жиноят қонунини қўллаш вазифаси устивор мавқени эгаллаши даркор. Шунга биноан Жиноят кодекси 2-моддасининг 1-қисмига тегишли қўшимчалар киритилиши лозим, деб

¹ Муҳитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун ва шакл. – Т.: Адолат, 2002. – Б.84.

хисоблаймиз, яъни: “Жиноят-ҳукукий муносабатлар мавжуд бўлганида жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан одил жазо тайинланиши, жиноят-ҳукукий муносабатлар юзага келмаганида, айбсиз шахс жавобгарликдан озод этилиши, унинг шаъни ва қадр-қиммати тикланиши, ғайриқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда шахсга етказилган зарар қопланиши керак”.

Жиноят-процессуал тизим ва жиноят-ҳукукий муносабатлар ўртасидаги зиддиятнинг моҳияти шундаки, жиноят ҳукуқи нормаси тегишли жазо таҳдиди билан таъқиқланган қилмишлар аломатларининг муайян ҳаётий вазиятлардаги умумлаштирилган тавсифидан иборат бўлиб, у жиноят процессида намоён юўлади ва амалга оширилади ҳамда унинг Жиноят кодексида тавсифланган аломатларга мос тушиши ҳали номаълум бўлади. Шу ўринда жиноят-процессуал функциянинг хусусияти ва тизими жиноят-ҳукукий муносабатлар мазмунига боғлиқлиги боис жиноят-ҳукукий муносабатлар моҳияти бир томондан, давлатнинг жиноятчини жавобгарликка тортиши ва жазолаши, иккинчи томондан, содир этган қилмиши учун жиноятчининг жазони ўташ мажбуриятидан иборат бўлади¹. О.Ф. Иваненко², В.Н. Кудрявцев, Б.М. Лазарев³ларнинг нуқтаи назарларича, бир вақтнинг ўзида давлат зиммасига реал содир этилган қилмишга жавобгарлик ва жазонинг мутаносиб келишини аниқлаш тушади, жиноятчи эса бу мутаносиблик ва адолатни талаб этишга ҳақлидир.

Демак, жиноят процесси ўзида давлатнинг ваколатли органлари томонидан жиноятларни бартараф этиш, аниқлаш ва очиш, шунингдек, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича фаолиятини акс эттирадиган жиноят қонуни амалга жорий этиш шаклидир. Юқорида айтилганлардан процессуал шакл тушунчаси билан жиноят процесси эмас, балки фақат қонун билан тартибга солинадиган соҳагина қамраб олинади, деб хулоса чиқариш

¹ Нарбутаев Э.Х. Уголовная политика: исходные критерии построения // Ҳуқуқ-Право-Law. 2004. №1. – С.75.

² Иваненко О.Ф. Некоторые проблемы теории юридической ответственности. – Волгоград. 1984. – С.65.

³ Кудрявцев В.Н., Лазарев Б.М. Дисциплина и ответственность: пути их укрепления. // Сов. государство и право. 1981. №6.-С.6.

мумкин бўлади. Жиноят процессининг ўзи эса, умуман, қонунни қўлловчи сифатида фақат процессуал фаолиятнинг қонуний тартибга солинган, тегишли процессуал шаклга эга бўлган соҳаси билангина чекланиб қолмасдан, судлов ишларини юритиш жараёнида вужудга келган ижтимоий муносабатларни амалга жорий этишнинг бошқа турларини ҳам ўз ичига олади. Яъни, “жиноят процесси” тушунчаси орқали фақат моддий жиноят-ҳуқуқий муносабатларни жорий этиш бўйича давлат органларининг қонуний тартибга солинган фаолиятгина эмас, балки шаклланган амалиёт ва процесс катнашчиларининг ҳуқ-атвориға боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ҳақиқаттан мавжуд бўлган кенг доираси ҳам қамраб олинади.

Умуман олганда, процессуал шакл, унинг тушунчаси ва мазмуни муаммоси юридик адабиётларда мунозара предмети бўлиб хизмат қилмоқда¹.

Ўз навбатида жиноят-процессуал шаклнинг жиноий жавобгарликнинг хусусиятиға боғлиқлиги процессуал мажбурлов жиноят ишини қўзғатиш тергов қилиш, ишни суда кўриш, ҳимояни ташкил этишда янада равшанроқ кўзга ташланиб, яна бир бор ушбу муаммонинг долзарблигини кўрсатади. Бугунги кунда жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асосларига оид фаолиятнинг хусусияти, умуман, процессуал шаклга хос бўлган мажбурийликдан маълум даражада маҳрум бўлсада, унинг муайян процессуал шаклга бўйсунити ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди². Аммо бу фаолиятнинг хусусияти, умуман, процессуал шаклга хос бўлган мажбурийликдан “озод” этилган эмас, лекин жиноят ишини қўзғатиш тартиби жиноий жавобгарликнинг хусусияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, хусусий айбловға оид айрим тоифадаги ишларни қўзғатиш хусусиятлари, жумладан, хусусий айбловни белгилашда кўзга ташланади.

Бугунги кунда жиноят судлов ишларини юритишнинг хусусий асосларини кенгайтириш алоҳида долзарблик касб этади ва умумий маънода хусусий шахснинг эркин ҳаракат қилиши кенгайтирилганлигини билдиради.

¹ Муҳитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун ва шакл. – Т.: Адолат, 2002. – Б.106-107.

² Богдановский А. Возбуждение уголовного дела при наличии повода и основания – не право в обязанность. // Российской юстиция. – 2002, №2. – С.29.

Қонунда хусусий шахснинг ўз процессуал ҳуқуқларидан ихтиёрий фойдаланиши мумкинлигининг аниқ шартлари ва ҳолатларини белгиланиши орқали бундай “эркинлик”нинг амал қилиш чегаралари ва доираларини ўрнатади. Хусусий асос замирида хусусий манфаат ётади ва жиноят судлов ишларини юритишдан манфаатдор қатнашчилар бунда қонунда назарда тутилган умумий ҳимоя воситаларидан фойдаланиб, уни қондиришга интиладилар. Сўнгги йилларда ушбу йўналишда муайян қадамлар қўйилди.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, мазкур жараён асосан хусусий айблов ишларига бориб тақалади. Чунки у институт сифатида “жабрланувчининг мавжуд шикоятига боғлиқ равишда, жиноятнинг жазога сазовролиги қўйилганлиги учун ўзининг жиноят-ҳуқуқий жихатига эга”¹. Бироқ хусусий айблов жиноят процессида хусусий асос намоён бўлишининг фақат бир кўринишидир. Хусусий асосларни кенгайтириш бошқа ишларни бошқа шакллар бўйича юритиш имконини беради ва бу мантиқан тўғри ҳам бўлади. Демак, хусусий асосни кенгайтириш жабрланувчига берилган ҳуқуқлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин ва бу унинг жиноят иши бўйича қарор қабул қилишига таъсир кўрсатади.

Ҳолбуки, жиноят ишини тугатишга доир ишлар, асосан, жиноят содир этган шахснинг ҳаракатига эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакилларига боғлиқ бўлади, бироқ улар ҳар доим ҳам ҳолис ва адолатпарвар бўлавермайдилар.

Ушбу муаммонинг ҳал этилиши, биринчидан, яраштирув институтидан фойдаланиб, жиноят ишларини юритиш бўйича қонунни қўллаш амалиётининг самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради.

